



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 36 (4591) 2020-yil 18-sentabr

## АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

### «СЎЗИНГ ҚАЛБЛАР ТУБИГА БОРСИН»

Минтақамиздаги энг кўхна илм даргоҳларидан бири – Ўзбекистон Миллий университетига Адиблар хийбонига ҳайкали қўйилган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов ижодининг бириктирилиши адабиётга ихлосманд жамоамиз учун айни мудоао бўлди. Улуг шоир ижодини ўрганши юзасидан университетда бир қатор ишлар амалга оширилди: Эркин Воҳидов илмий-маърифий маркази ташкил этилди, истеъдодли ва аълочи талабалар учун Эркин Воҳидов номидаги стипендия жорий этилди, Марғилондаги Эркин Воҳидов ижод мактабини университет ўз оталигига олди. Жамоамиз профессор-ўқитувчиларининг муҳташам зиёратгоҳига айланган Адиблар хийбони шоир ижоди ихлосмандлари билан доимо гавжум. Бу муҳташам масканда турли тадбирлар ўтказиши орқали ёшларни юксак маънавий қадриятларга эътибор руҳида тарбиялаш ҳар бир зиёлининг бурчидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли шоир Эркин Воҳидов ижодида меҳр-муҳаббат фазилатларига бой, яхши ахлоқ соҳиби, саховат ва мурувват рамзи – комил инсон шахсининг маънавий қиёфаси гавдалантирилгани маълум. Шоир шеърларида сўз, қалам, китоб, гулрок, дарахт, ишк, ошик, машука, юрак, кўнғил, осмон, кўёш, юлдуз, гул, пиёла, узум, инсон, игна, бодом, май каби қатор тинимсоллар инсоний камолот сирларини юзга чикаришга хизмат қилган. Комил инсон назариясининг асосчиларидан бири Азизиддин Насафийнинг ёзишича, тўрт нарса – гўзал сўз, гўзал амал, гўзал ахлоқ ва маърифат соҳибини комил инсон дейиш мумкин. Шоир ана шу фикрлардан таъсирлангани холда бундай ёзди:

Имкон йўқ дунёда мангу қолгани,  
Таскин – биздан бир ёдгор қолгани.  
Яхши иш, яхши сўз ва яхши фарзанд –  
Қолари шу. Ўтди-кетди қолгани.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўйган, миллат дардини ёзган жасоратли ёзувчи эди. У носир, драматург, таржимон сифатида ўзбек адабий тилининг камол топиши йўлида қурашган заҳматқаш инсон эди.

### ЕТУК СЎЗ САНЪАТКОРИГА ЭҲТИРОМ



ERKIN VOHIDOV  
1936 – 2016

### МУНОСАБАТ

## ЮРТ ОДАМЛАРИ

“Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!” – қалбларимизга қудрат бағишловчи жарангдор, сермаъно ушбу сўзлар замирида теран маънолар мужжасам.

29 йил – тарих учун бир лаҳза, аммо бир йигитнинг бўй чўзиб, нафақат оиласини тебратишга, балки Ватанига хизмат қилишга қодир бўлиб, куч-қудрат йигишига етарли муддат.

Бу йиллар давомида нималарга эришдик, нималарни ҳали удалай олмадик? Табиий савол. Чунки, “Ҳаёт нимадир?” деган сўроқ биздан олдинги зиёлиларни ҳам безовта этган, ҳозир ҳам аклли инсонларни ўйга толдиради. Жон Голсуорси ўзининг “Адабиёт ва ҳаёт” деган мақоласида “1930 йилга қадар тинчликнинг зарур эканига ишониниш довдир одамларнинггина иши, деб ҳисобланарди. Аммо 1930 йилдан кейин тинчликнинг зарур нарса эканига ишонмайдиган одамлар энг калтафаҳм ва бефаросат одамлар экани маълум бўлиб қолди”, деб ёзган эди.

Демократияга интилаётган жамиятга ўз руҳида бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафани, ҳам адабиётни, ҳам халқнинг дарди ва иқтисодни тушунадиган, нафақат тушунадиган, балки ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри, кутли, имонли инсонлар кераклиги оддий ҳақиқат. Бундайларни юрт одамлари, деб аташ жоиз, деб ўйлайман.

Юрт одамлари!

Олис ёки яқин ўтмишимиз кўзгусига боқсак, бу сўз янада залворли кўринади. Ота-боболаримиз биздан ўн чандон ортик азоб-укубатларни донолик билан енгиб, бизга келажакни бутун қолдирганлар.


Имом Мотуридийнинг улкан хизматларини мусулмон олами юксак қадрлайди. Хожа Ахрор валий Тошкент воҳаси аҳлининг бир йиллик солиғини ўз ёнларидан тўлаган ҳамда давлат хазинасига қатта маблағни инъом қилган ва бу билан халқни оғир аҳволдан қутқариб қолган эди. Уч темирйоздани сулҳга келтириб, қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолган ва қанчадан-қанча кишлок-шаҳарларни вайрон бўлишдан асраб қолган. Алишер Навоийнинг бунёдкорлик хизматлари, биргина раҳбарларнинг ўзи қирқдан зиёд, ўнлаб масжид ва мадрасалар, боғчалар ва ҳомийлик ишлари-чи?! Талабаларга маош ва кийим-бош бериб туришларини ҳам ҳисобга олсак, ҳазратнинг хайр-саховати чексиз бўлганини кўраемиз.

Тарихимизда улугларимиз бажарган улугвор ишлар жуда кўп. Биз уларни юрт одамлари деймиз ва номларини хурмат билан тилга оламиз.

Аммо атрофда Жон Голсуорси айтгандай, 1930 йилдаги галати муҳит бизга чангини қокмоқда: “Ҳозирги дунё китобларга менсимай қараш дардида йўлиққан. Бугун шундай ёшлар кўпайиб қолдики, улар жонли ҳаётни эмас, китобни яхши кўришни култили ва номуносиб бир иш деб билишади”.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 113 йиллиги муносабати билан ташкил этилган адабий тадбирда адиб ҳаёти ва ижоди айна бир бор назар ташланди.

Адабий кечада Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Муҳаммадjon Қуроно, Тошкент молия институтини ректори Султонали Меҳмонов ва бошқалар




адибнинг самарали ижодий фаолияти ҳақида илиқ фикрлар билдирди. Унинг ўзбек адабиётида ўзига хос ўрни борлиги эътироф этилди.

Ёзувчи Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган эди. Унинг номи Тошкент ва Қўқондаги бир неча кўча, мактаблар, шунингдек, Маданият уйлари ва Республика Сатира театрига берилган. Тошкентда адибнинг уй-музейи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Адабий-маърифий тадбирда улуг ёзувчи ёд этилиб, ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Д.МАМАТОВА,  
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон фан арбоби Бахтиёр Назаров таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, академик Б. Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети (Тошкент), Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институти ҳамкорлигида “Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий онлайн конференция ташкил этилди.



## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Дунёнинг стақчи олим ва адабиётшунослари, профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар қатнашган анжуманда академик Бахтиёр Назаровнинг серқирра илмий ва педагогик фаолияти, адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз борди. Шунингдек, бугунги кунда юртимизда ўзбек тили ва адабиёти, ёзувчи-шоирлар ижоди, маърифатпарвар аждодаларимиз хотирасини абадийлаштиришга қаратилаётган эътибор, мумтоз адабиёт, адабиётшунослик, лингвистика, фольклоршунослик олдида турган

долзарб масалалар ҳақида мутахассислар сўз юритишди.

Анжуман давомида “Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” мақолалар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди. Китобдан мумтоз адабиётга доир тадқиқотлар, бугунги насримиздаги янгиланишлар, драматургияга оид изланишлар, таълим, таржиманунослик ва фольклоршунослик масалаларига бағишланган мақолалар ўрин олган.

Олимжон ЖУМБОЕВ,  
ЎЗР ФА таянч докторанти

## БАДИИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ


Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, дея таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда илм-фанни ривожлантириш, пировардида юртимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш учун улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Бизнинг институтда ҳам профессор-ўқитувчилар ва ходимларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларимизда олий таълим олишга, шу билан бирга, илмий изланиш олиб боришга қизиқиш ва иштиёқ ортиб бормоқда. Бу эса яқин келажакда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Жорий йилнинг 21 апрель кунини килинган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорини юртимиз бадий таълими ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарор буюк мусаввир ва нақош Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлаш билан боғлиқлиги, миллий тасвирий ва амалий санъат истиқболини белгилаб бергани билан тарихий аҳамиятга эга, десак муболаға

бўлмайдди. Ушбу қарорда кўрсатиб ўтилган жорий йилнинг октябрь ойида буюк мусаввир ва нақош Камолитдин Бехзод хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг қўчаларидан бирига унинг номи бериш, буюк мусаввир номи билан юритиладиган Шарқ миниатюра санъати музейи хийбонини замонавий қиёфада қайта ташкил этиш ва унинг худуддаги мусаввир ҳайкалини бронзага ўтказиш, “Ўзбекистон замонавий миниатюраси” каталогини тайёрлаш каби кўплаб вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш наъжасида юртимиз тасвирий ва амалий санъати янги босқичга кўтарилиши шубҳасиз.

Қарор асосида Бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида тайёргарлик босқичи сифатида Рассомлик маҳорат устaxonаси (олий рассомлик курси) ташкил этилади. Айни пайтда “Устоз-шогирд” ва бадий таълим аъналарини сақлаган холда ўқитишнинг илгор



усулларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнига ижодий устaxonалар фаолиятини татбиқ этиш, чет эллардаги кўргазма ва музейларда сақланаётган ноёб асарлар билан яқиндан танишиш, олий рассомлик курси ёш ижодкорларнинг ижодий сафарларини ташкиллаштириш, юртимиз музейлари фондларини юксак тасвирий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб боришга кўмаклашиш каби яна бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

# МИЛЛАТНИНГ ЗЕХНИ ИЛМ ҚУВВАТИГА БОҒЛИҚ

*Кўпчиликка аён бир ҳақиқат бор: юртимиздан чиққан, илмий ютуқлари, маънавий мерослари юлдуз янглиғ ҳамон дунё маънавиятини ёритиб турган жамики алломалар, беназир донишмандларнинг ҳаммалари бошланғич таълимни оилада ота-онадан, сўнг мадрасаларда зукко мураббийлардан олишган. Алишер Навоий бобомизга, Ибн Синога, Беруний, Бухорий, Замахшарийдек алломаларга ўз касбининг фидойи усталари сабоқ беришган.*

Миллатимизнинг фахру гурури, номлари дунё кенгликларига чиккан олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, таникли ижодкорлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Демакки, вуждимизга “эски” ўқитиш услуби деб сингирилган, каттол тузумнинг зўри-зугуми билан унут бўлиб кетган бу услубда толиби илмларни илмий идрокда мислсиз натижаларга эриштирган, нигоҳларини ой-юлдузларгача кўтарган ноёб тажриба бўлган.

Ачинарли ва афсусларли томони шундаки, Мовароуннахрда кенг йўлга қўйилган мадраса илми, ўқитиш усулларини дунё чукур ўрганган ва ундан фойдаланган, биз эса бу ноёб мероснинг юзига қора чаглаб юрареганми. Фақат шу эмас, кейин-кейин тўғри талаффуз, равон нутқ, ифодали ўқиш, фикрни киска ва эркин баён қилиш, хотирани мустаҳкамлашга доир халқона педагогик усуллар ҳам бирин-кетин барҳам тоғди. “Ура-ура”чилик замонлари келди. Дарасларга келмайди, фанларни ўзлаштирмайдиган суст ўқувчилар ҳам синфдан-синфга бемалол кўча бошлади. Ҳамма иллат шундан бошланди. Билса ҳам, билмасам ҳам, ўқитувчи баҳо қўйиб бериши керак. Ҳеч ким “Мадрасаларимиз тажрибасини ўрганган дунё олийгоҳларининг бирортасида бундай йўл тутилмайд”, дея эътироз билдирмади. Чунки улар бу тажрибалар беҳабар эдилар. Натигада таълим соҳаси бутунлай издан чиқди. Дарсларнинг савияси, ўқитувчининг обрў-эътибори кескин тушиб кетди.

Бугун бу йўқотишларнинг ўрнини тўлдирish учун жиддий ислохотлар олиб борилаётган экан, давлатимиз раҳбарининг тақлиф ва кўрсатмаларига қатъий амал қилиш билан бирга, қадим мадрасалар тажрибасини ўрганиш ва уларни бугунги замонавий таълимнинг тегишли йўналишларига мақсадли татбиқ этиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу ишни улуг бобомиз Мирзо Улугбек асос солган дунёда машҳур мадрасанинг бевоқифи вориси сифатида Самарқанд давлат университетига бошлаган маъқул. Бу фикр миллий олий таълимни олис тарихда қолиб кетган бебаҳо тажрибалар билан бойитишни кўзда тутди. Президент Шавкат Мирзиёев тизим фаолиятини тубдан яхшилаш, таълим савиясини бугунги илгор дунёвий тажрибалар даражасига етказиш, аллома аждоқларимиздан қолган илмий-маънавий мерос асосида янгиланиш олдимида муҳим вазифа сифатида қўйди. Демак, бу йўқота жиддий жиришмоқ зарур.

Шу ўринда қадим мадрасаларда қандай фанлар ўқитилган, мударрислар талабаларга таълим беришнинг қандай усулларидан фойдаланган, деган савол туғилиши табиий. Бу мавзуда анча йиллардан бери жиддий илмий кузатувлар олиб бораётган олима Махкамой Турсунованинг маълумотларига кўра, мадрасаларда қуйидаги фанлар ўқитилган:

- Усули хижоия (савтия) – бўғинга бўлиб ўқиш.
- Илми шарҳ – тафсир.
- Илми таҳлил – таҳлил, шарҳ, тавсиф масаласи.
- Илми мунозара – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
- Илми кироат – оҳанг ва сўз талаффузи.
- Илми фасоҳат (илми балоға) – сўз ва ибораларни ўринли қўллаш.
- Илми баён – нозик маъноларни баён қилиш маҳорати.
- Илми гариб – кам сўз билан кенг маънони ифодалаш маҳорати.
- Илми маоний – бирор воқеа ёки ҳодисанинг моҳиятини очиб бериш.
- Илми наср ва иншо – ёзма иш услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.
- Илми мухожирот – хозиржавоблик, зукколик, кувноқлик.
- Илми мантик – сўзлар замиридаги маъноларни чуқур англаш.
- Илми калом – нақлий масалани ақлий идрок этиш, далиллаш, исбот қилиш.
- Кўриниб турибдики, бу фанларни бугун ўрта мактабларнинг юқори синфларида, янгидан ташкил этилган ижод мактабларида ва, энг муҳими, Олий таълимнинг тегишли йўналишларида асосий фан, танлов предметлари сифатида ўқитиш мумкин ва зарур. Гап шундаки, уларнинг номларида бугун адабиётимизда, миллий маъбудотимизда, мухтарам депутатларимиз, вазира, ўрта ва куйи бўғин раҳбарларининг нутқларида, турли даражадаги ҳужжат ва ёзмамаларда мавқуд бўлган нуқсонлар аниқ-равшан кўриниб турибди. Яширишдан нима хожат: тилимиз дағаллашиб бормоқда, сўз ва ибораларни нотўғри, ўринсиз қўллашга, фикрни чўзгандан-чўзиб айтишга, ургуну хато қўйишга, кам сўз ишлайтиб, кенг маънони ифодалай олмасликига оdatлағил бормоқдамиз. Баҳс маданиятимиз оқсагани оқсаган. Далиллаш, исботлаш маҳоратимиз суст. Бу ҳам етмаганидек, халқ таълими

мутасаддиларидан бири мактабларда грамматикани ўқитиш у қалар зарур эмас, бола шунчаки гапириш ва ёзишни ўрганса бўлди, деган масъулиятсиз тақлифий айтмоқда. Бизнинг тил соҳасидаги энг қатта камчилигимиз – грамматикани яхши билмаслигимиз-ку, ахир. Ўзбек тилини ўрганаётган хорижликлар: “Бизга сўзларни ёдлатманг, грамматика қондаларини ўргатинг” дейишади. Нахотки шунга ҳам билмасак?

Миллатнинг интелектуал даражаси, зехн қуввати унинг илм ва хунарни нечоғли эгаллагани билан ўлчанади, Исмоил Гаспринский “Илм ва хунарга эга миллат ва халқ энг улуг, энг буюк халқдир”, дейди. Чўлпон мактабларимизнинг афтоҳоллигидан куюниб, ёшларни илми қилиш тўғрисида ўйламаётган одамлар тўғрисида шундай ёзган эди:

**Мактаб ўрнига очилди**  
халқ маҳаллада майхона,  
**Нафрат этмак нари турсун,**  
шоду хандон бизни халқ.  
**Мактаба йўқ бир тийини,**  
тўйга минг сўмлаб берур,  
**Чораси мушкул касалга**  
мубталоидир бизни халқ.

Мулоҳаза қиламиз. Миллат ва халқ илми, хунари бўлиши учун нима зарур? Тинчлик, осойишталик, раиятнинг адолатли бошқарилиши, ёшлар тарбияси, таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, изланиш, бир жойда тўхтаб қолмаслик, кибрга берилмаслик, бало-қазолардан оғоҳлик, миллий бирлик, ҳамжихатлик зарур. Бордию бу “заңжир”нинг битта халқаси узилса, муаммо келиб чиқади.

Самарқанд давлат университетини Мирзо Улугбек мадрасанинг вориси деб эълон қилиш миллий таълим соҳасида ўтмиш ва бугунги бир-бирига мустаҳкам боғлайди, бу қутлуг даргоҳда қадим мадрасаларда ўқитиш тизимини ўрганувчи махсус илмий марказ ташкил этиш, энг яхши тадқиқотларни рағбатлантириш имконияти вуждга келади.

Дунёнинг дунёлиги шундаки, гарчи у омонат ва ўзгарувчан бўлса-да (Азизиддин Насафий), мунтазам ҳаракат ва айлинишдан тўхтамайди. Тарих ҳам шундай — воқеа-ҳодисалар қандай содир этилган бўлса, шундай қолади, аммо у ҳам дунё каби айланади, моҳиятдан узоклашади ва... қайтади. Бугун ёшларимиз хорижий мамлакатларнинг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олмақдалар. Илмга чанқоқликда, истеъдодда фарбик тенгдошларидан кам эмасликларини намойён этишмоқдалар. Бир вақтлар бундай ёшлар фардан шарққа қараб интилишган, марҳаматли диёримизда қамолга етишган эди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд, Бухоро олийгоҳларида таълим олиш, табаррук юртимиз мисолида донишманд Шарқ тамаддунидан баҳраманд бўлиш фарбиклар учун яна орзуга айлинишдан умидвормиз.

**Аҳмадجان МЕЛИБОЕВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети доценти

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ АСИЛ РАШИДОВ

Ўзбекистон олий таълим тизими ҳамда ўзбек адабиёти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таникли педагог олим, адабиётшунос ва таржимон Асил Рашидов шу йил 15 сентябрь куни 90 ёшида вафот этди.

Асил Рашидов 1930 йили Жиззах туманининг Совунгарлик қишлоғида туғилди. 1954 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналист мутахассислиги бўйича тамомлади. 1954-1958 йилларда “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида адабий ходим, бўлим мудир бўлиб ишлади.

1958 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини аспирантурасига ўқишга кириб, 1961 йилда уни муваффақиятли тугаллади ва 56 йил давомида ушбу даргоҳда ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, доцент, профессор лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. 1981 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди.


Заҳматқаш олим ўз фаолияти давомида “Инсон ва меҳнат мадҳи”, “Сўнмас қолдулар”, “Асрга тенгдош мактаб”, “Леся Украинка”, “Чиниқш мактаби” сингари кўплаб илмий-оммабоп асарлар yaratди. Айниқса, мустақиллик йилларида дунё юзини кўрган, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов хотирасига бағишланган “Акам ҳақида” рисоласи, “Эзуликка бахшида умр”, “Чингиз Айтматовнинг бадийи олами” сингари асарлари минглаб китобхонларнинг самимий эътирофи ва эҳтиромига сазовор бўлди.

Асил Рашидов бадийи таржима соҳасида ўзига хос ижодий мактаб yaratган хассос сўз санъаткори эди. У машҳур кўргаз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Юзма-юз”, “Жамила”, “Бўтакўз”, “Сарвомак дилбарим”, “Алвидо, Гулсари!”, “Сомон йўли”, “Ок кема”, “Эрта келган турналар”, “Соҳил бўйлаб чопайтган олапар”, “Асрни қаритган кун” сингари бетакор асарларини ўзбек тилига бекиёс маҳорат билан ўгириб, халқимизнинг бадийи тафаккурини юксалтиришга улкан хисса қўшди. Шунингдек, таникли рус адаби Аликсандар Бекнинг “Волюкамас йўлида” романи, кўргаз адиби Мирзабек Дуйсеновнинг “Имтиҳон” киссаси ҳам Асил Рашидов таржимасида ўзбек китобхонларига тақдим этилди.

Улкан илмий-ижодий ва ҳаётий тажрибага эга устоз-мураббий ўзининг меҳнатқашлиги ва жонқурлиги, ёшларга ғамхўрлиги, она юртга чекиз меҳри ва садокати билан мамлакатимиз зиёлилари, маданый жамоатчилик ўртасида ҳақли равишда катта обрў-эътибор қозонган инсон эди.

Асил Рашидовнинг олий таълим тизими ва ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти ҳамда “Шўҳрат” медали билан тақдирланган эди.

Таникли олим ва ижодкор, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Асил Рашидовнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси**

*Дунёдаги энг муқаддас ва улуг иморатлардан бири бу – кутубхонадир. Унда одамлар китоб мутолаа қилиб, эзгу фазилатларга эга бўлиб, ёмон ишлар қилишдан сақланади. Китоб кўнгилни, онгу шуурни маърифат ва зиё билан мунавар айлайди. Китобни севган миллат барча соҳаларда тараққиётга эришади. Шунинг учун бугунги янги даврда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга, адабиёт ва бадийи ижодни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.*

# ДУНЁДАГИ БЕБАҲО ТУҲФА

Президентимиз Ўзбекистон миллий боғи ҳудудига Адиллар хиёбонининг очилишига бағишланган тадбирда ҳазрат Алишер Навоий хайкали пойига гулдаста қўйиб, шундай деган эди: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждоқлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт yaratish учун ҳамма шароитларни yaratamiz”.

Бугун маънавий ҳаётимизда кун тартибига қўйилган долзарб вазифалар ижроси бўйича китобхонлик тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Пандемия ва ахборот-кутубхона соҳаси фаолияти” мавзусида республика миқёсида онлайн матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Саидгани Насриддинов, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директор Умида Тешабоева, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи Воҳид Ҳамидов, кутубхона директори ўринбосари Насиба Холдорова, Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят кутубхонаси директори ўринбосари Шохид Асланов ва бошқалар сўзга чиқиб, пандемия шароитида бадийи китоблар мутолааси бўйича юртошларимизнинг эҳтиёжини қондириш, уларни онлайн тарзда замонавий электрон ва аудиокитоблар билан таъминлаш, ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда бу даврда адиллар томонидан yaratilgan турли жанрлардаги бадийи асарлар ҳақида гапирдилар. Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон китоб мутолааси ва меҳр-саховат мавзусидаги шеърини ўқиди.

Адабиётни севган, илм ва маърифатга интилан инсон учун энг қимматли ва бебаҳо совға китоб саналади. Тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳадая этилган Алишер Навоий, Атойи, Фузулий, Машраб, Махтумқули, Абай асарларидан тортиб ҳозирги замон миллий адабиётимиз намояндаларининг энг яхши китобларидан иборат 75 номдаги 37 400 нусха китоб барча вилоятлар кутубхоналарига тақсимланди, ўз манзиллари томон йўл олди. Энди улар ҳақиқий эгаларининг – мактаб ўқувчилари ва кенг китобхонлар оmmasи қўлига етиб боради.

**Мавсума МАНСУРОВА**

## Давоми, бошланиши 1-сahифада

Бу сўзлар кеча айтилгандай, ҳали жаранги тинмагандай. Лекин масофа ҳам, макон ҳам ҳаётда муҳим аҳамият касб этади, янгиликлар сингари ташвишлар шамолли ҳам етиб келишига боғлиқ. Бизга ўша шамолларнинг энди етиб келганига бугун гувоҳ бўляпмиз. Синовли кунлар одамларни, барча кишиларни сараламоқда, деган фикрни ҳаёлига келтирмаётган ёшлар осонгина яшаш йўллариини кидириб, ўзларини турли ташвишларга дучор этмоқдалар. Англаш керакки, тарбияга асосий масъул бўлган ёш оналарнинг ўқимишли, илм ва маънавиятини ўйлаш ўрнига, оилада оддий ётоқ жихозлари ёки тўйдаги камчиликларини рўқач қилиб, қайнота-қайнона ва ҳатто куёвларнинг ҳам майдақашликка ўралашиб қолгани, али йигит-қизларнинг арзон ишчи кучига айлангани маънавиятимизга, келажак эгалари бўлиши болаларимиз тарбиясига жиддий зиён етказаятганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу гапларни халқим деган зиёли айтмас, ким айтади?!

Бу сингари муаммоларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз вақтида етарлича жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, кейинги йилларда олимлар, тарихчилар ва санъаткорлар қатори ижодкорларга ҳам давлат томонидан етарли эътибор берилаятгани юқоридаги муаммоларни ҳал этиш борасидаги далил қадамлардир. Тошкентда Адиллар хиёбонининг ташкил этилгани, ҳазрат Алишер Навоийнинг улугвор хайкали томон назар солиб турган улугларимизнинг сиймолари чиройли кўринишларда бунёд этилгани халқимизни хурсанд этди. Шунингдек, кўплаб ижодкорлар, санъаткорлар ўй-жой билан таъминланди ва ижод этиш учун шарт-шароитлари яхшиланди.

Бир отахон ёзувчимиз айтганидек, “Бу бошланғич, ҳали давлатимиз ижодкорлар учун янада кўпроқ шарт-шароитлар yaratadi. Чунки улугларимиз айт-

ганларидек, “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”. Демак, биз кўпроқ ишлашимиз, халқимиз маънавиятини юксалтириш учун янада кўпроқ пишиқ асарлар битишимизга тўғри келади.

Юрт одамлари!

Бир эзуликни сеवार инсон сифатида айтишим керакки, 29 йил давомида юрт одамларининг мустақил Ватан ва эзуликка, ўз халқига қарши ўзгарди. Бир фермер акамик холисоналик билан муҳтож оналарга биттадан соғин ситир ҳада этибди, яна битта ақли тадбиркор дўстимиз етим болаларнинг бошларини силабди, бир онахон ҳажта деб тўллаган пулини маҳалла ободончилиги учун, бошқа бир отахон маҳал-

ла чироғи учун сарфлабди. Яна бир оддий, лекин муҳим ҳаётий мисол: мамлакатимиз маҳаллаларида ташкил этилган кутубхоналарни турли адабиётлар билан тўлдиршида ижодкорлар ҳам фаол катнашапти. Шахсан, Тошкентдаги бир-икки маҳалла кутубхоналарига бадийи адабиётлар олиб борганида, тенгдош шoir, ёзувчи биродарларимни кўриб қувондим. Болаларга, одамларга маърифат улашишдан савоблиши борми?! Бундай мисоллар жуда кўп. Бу ишларни ўзини шу

жаннатмонанд Ватанинг бир бўлаги, деб ҳисоблаган эркसेвар инсонлар амалга оширмоқдаки, биз уларни ҳақли равишда “Юрт одамлари” дея фахр билан тилга оламиз.

Юрт одамлари!

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳатлашув йиғилишидан сўнг шахсан менинг ҳаётимда ҳам ўзгариш рўй берди. Ён кўшни давлатлар Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистондаги ижодкор дўстларимиз яхши кўшничлик аънаваларини давом этириш йўлидаги саёй-ҳарақатлари ва ижодий ишлари учун турли давлатлардаги бир қатор таникли ижодкорлар уюшманинг эсдалик нишонлари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистондан ҳам бир неча ижодкор ва тарихчилар — Убайдулла Уватов,

# ЮРТ ОДАМЛАРИ



рағбатлантириб бориш, энг сара асарларни китоб шаклида чоп этиш ва бошқа эзулик ишларини амалга ошириш учун Марказий Осиё ёзувчилари ва тарихчиларининг “Янги овоз” уюшмасини тузиш тақлифи берилди. Бу тақлифга Озарбайжон, Доғистон, Татаристон, Туркия ва бошқа давлатларнинг ижодкорлари ҳам бажону дил қўшилиши ва уюшма Қирғизистонда рўйхатга олинди. Уюшманинг иккинчи йиғилиши Тошкентда ўтди. Ва бу уюшмага 2020 йил учун мени фахрий раис

сифатида тақлиф этганларида, аввалига ҳайрон қолдим. Лекин уларнинг фикрлари қатъий эди. Бундай катта масъулиятни айна ўзбекистонлик ижодкорларга ишонилгани қувонарли, албатта. Уюшма масъуллар Кенгаши уюшқоқлик билан ишлаётгани мени қувонтирди. Яқин ортада уюшма томонидан тинчлик ва тараққиёт, халқлар дўстлиги ва ўзаро яхши кўшничлик аънаваларини давом этириш йўлидаги саёй-ҳарақатлари ва ижодий ишлари учун турли давлатлардаги бир қатор таникли ижодкорлар уюшманинг эсдалик нишонлари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистондан ҳам бир неча ижодкор ва тарихчилар — Убайдулла Уватов,

Яна бир қувончли воқеа шуки, бир неча йиллардан буён “Қизил соя” деган асар устидан ишлаётган эдим. Бунда ҳам “юрт одамлари” ҳақида гап боради. “Қачон “қизил соя”лардан қутуламиз” деган оғрик юракка тинчлик бермайди. Аммо бизнинг қахрамон, ўзбек йигити жаҳонни ҳайратга солади. Ҳали биз кўп нарсаларни билмаймиз. Ҳатто биринчи фазонининг Ердан кўтарилишида ўзбек олимнинг улуши жуда катта бўлган... Асарни айнан муборак Мустақиллик байрамимизнинг 29 йиллик байрами арафасида тутатганим яхши бўлди, деб ўйлайман, уни байрамга совға сифатида тақдим этмоқчиман. Яхши ният қилган эдим, мана, етдим. Энг муҳими мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан берилган янги уйда байрамни нишонладим.

**Тўлқин ХАЙИТ,**  
ёзувчи

БУЮК ИЛ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланади

Рустам МУСУРМОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Онажоним, мана бугун келди янги замонинг, Ушалди-я юракдаги орзуларинг, армонинг. Шавкатинг бор — қудратинг бор, саодатинг, бахтинг бор, Келажакни кўзлаб борар буюк йўлда карвонинг.

Боғлар ўтар, қушлар ўтар, гуллар ўтар, онажон, Кўллар ўтар, чўллар ўтар, йўллар ўтар, онажон. Кимлар келар, кимлар кетар, хар кўнгилда бир орзу, Кунлар ўтар, ойлар ўтар, йиллар ўтар, онажон.

Минг йилларнинг карвонини қузатгансан, онажон, Мехнат қилиб, рўзгорингни тузатгансан, онажон. Қиз чиқариб, ўғил уйлаб, орзу-хавас кўргансан, Тўйлар қилиб, уйларингни безатгансан, онажон.

Юлгун увук, қамиш чийдан илк бор ўтов қургансан, Ўрмак қуриб, гилам тўкиб, шардоз бўяб-ўргансан. Озод-обод кўчиб-қўниб бепоён кенгликларда, Туя соғиб, сугир соғиб, бола боқиб юргансан.

Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Берунийни туккансан, Оқ сут бериб, Фарғонийни, Улугбекни боққансан. Ақду заковатинг билан нур таратиб дунёга,

Ерда туриб осмондаги юлдузларни ёккансан.

Алла айтиб Ватан меҳрин юракларга солгансан, Жангга кетган ўғлонларинг кутиб-кутиб толгансан. Ҳаётингга — ошенингга қасд қилганда ёвуз ёв, Она, ўзинг отга миниб, кўлга қилич олгансан.

Қурол билан отга миниб, дов солган хар салтанат, Таъма билан қуш учуриб, ов солган хар салтанат... Она, меҳру саховатинг, химматингдан лол бўлди Нафсига қул бўлиб, йўлга гов солган хар салтанат.

Болам, дединг, чидаб бердинг гоҳ иссиқ, гоҳ совуққа, Оилам, деб сувга кирдинг, гоҳ кирдинг ўтга-чўққа. Чўлпон, Фитрат, Қодирйидек ўғлонларинг ёнида Озодлик деб кўкрагингни тутиб бергансан ўққа.

Онажоним, мана бугун келди янги замонинг, Ушалди-я юракдаги орзуларинг, армонинг.

Шавкатинг бор — қудратинг бор, саодатинг, бахтинг бор, Келажакни кўзлаб борар буюк йўлда карвонинг.

Поезд чопар, поезд чопар, поезд чопар, онажон, Йўловчилар манглайдан қуёш ўпар, онажон. Буюк йўлда элни севган, юртни севган йўлдошлар Бахтин топар, бахтин топар, бахтин топар, онажон.

Қадамингни дадил босиб, вақтдан ўзиб хатлай дейсан, Замонада илғор бўлиб, рўзгорингни бутлай дейсан. Илму фан, кашфиёт, ижод, маърифатга кенг йўл очиб, Меъморларинг қурган янги шахарларни қутлай дейсан.

Осмондаги қушдай учар янги метро вағони, Кўзларини қамаштирар юлдузларни, самони. Поездларга рўмолини силқиб қолар саболар, Янгилавиш замони бу — Ўзбекистон замони.

Осмон гумбазидек гўё "Юнусобод", "Туркистон",

Юлдузлардек сочар зиё "Юнусобод", "Туркистон". Ватанимнинг тарихини сўйлар янги обидалар, Дунё ичра ажиб дунё "Юнусобод", "Туркистон".

Ер қасрига кирдик, метро эшикларни очилди, Юртимизда тараккиёт тилсимлари ечилди. Дунёни кашф этган буюк боболарнинг руҳи қўллаб, Бошимиздан юлдузларнинг шуълалари сочилди.

Жайхун, Сайхундан сув ичган қардошлар элати бу, Қондошу жондош халқларнинг юксак маърифати бу. Туғишганлик, оғзибирлик, биродарлик тимсоли — "Туркистон" бекати бу, "Туркистон" бекати бу.

Хушбўй атиргуллар хиди саболарда намоён, Ватан бахти давлат қуши Хумоларда намоён. Оила давлат тимсолидир, уй-жой — Ватан тимсоли, Ватан ободлиги янги биноларда намоён.

ИСАЖОН СУЛТОН



— Сен кимсан? Кимнинг ўғлисан? Тангриотининг сарсар шамоли от устида бораётган, тақимига хуржун бостириб олган аскардан шуну сўрайди. — Кимни боласан? Отангни исми не? Аскар бу саволга жавоб бермайди. Шамол унинг узун кокилини ғазабга тўлиб тортиқлайди: — Айтсанг-чи! Отанг ким? Кокилли аскарлар жавоб ўрнига отга қамчи босишади. Жониворлар титраб, кўнгири тупроқлар устида сийрак буталар оралаб тасир-тусир чопа кетишади. Олам бўйлаб кезиб юрвучи шамол забти остида бу черик иси ёйикка таралиб, олислардаги бўри таласигача етиб боради. Даштнинг беозор жонотлари иларига кириб яширинишади. Ваҳшийлар ўзларини овлоққа олишади. Кўкни куз булутлари оғаллайди. Момақалдирик гумбураб, чакмоқ чақиб, ёмғир қуйиб юборади. Кокилли аскарларнинг усти-боши, отлари ҳўл бўлади. Шамол улар ортдан қолмайди, гоҳ тўнларидан, гоҳ кокилларида тортиқлаб, сўрайверади. Кокилли аскарлар шамолга қарши ҳеч нима қилишолмай, от ёлига эгилиб, қудокларини қўллари билан бекитиб кетиб боришади: — Айт, кимсан? Кимнинг устига боскин қилдинг? Хуржундаги бош кимники? \*\*\*

Жануби-шарқдаги турк улуслари кучга тўлиб, Чин хоқонлигининг кун кўриши қийинлашиб қолди. Туркийларнинг отлари учкур, ўзлари доворак эдилар. Бирор жойда чопқин бўлса, улар қаршида Чин қўшини мушук-боладай бўлиб қоларди. Айниқса, хоқонликнинг гарбдаги хунлар ёвуз эдилар. Улардан қуйироқда кўктурлар, шарқда қитанлар, жанубда Ўн ўк, Етти жиға улуси бирлашолмай турарди. Агар булар бирлашиб олишса, Чин хоқонлигининг кули қўққа совирилиши муқаррар эди. Ҳа, хавф қучли, ёв давлатни йўқ қилиб юбориши мумкин. Шу сабабли, Чин хоқони ўз билгичларини йиғиб, бунга қарши нималар қилса бўлишини сўради. — Туркий улусларнинг эрлари доворак, чидамли. Улар гўё от устида туғилишади. От чоптириб кетаётган ёнга ёки ортага ўтирилиб ўк узиб мўлжалга аниқ уришади. Бизнинг черик ундай қилолмайди, уловларимиз ҳам уларникидай тезчопар эмас. Улар билан ёйикда жанг қилиш тўғри бўлмайди. Чунки черигимиз яёв

жанг қилишга ўрганган, агар урушадиган бўлсақ, уларни авраб, ўрмонга олиб кириш керак, — деди дондор Чин баҳодирларидан бири. Булар деярли хар йиғинда айтиладиган бехуда сўзлар эди. Чин хоқони ғазабланиб, билгичларга келажакда туркийларни енгиш учун бир хийла ўйлаб топишларини буорди. Уларни айри-айри уйларга қамаб қўйишди, хар кун кечкурун барчаси бир жойга йиғилишиб, ўйлаганларини бахslashишарди. Етарлича ош-озик ҳам берилмади, чунки Кўк ўғли оч одам тўк одамдан кўра яхшироқ ўйлашини биларди.

Етти кундан кейин билгичларни хоқон хуржунга олиб киришди. Кўк ўғли хоқон уларни пар ёстиклар устида ёнбошлаб кутиб олди. — Ҳўш, қандай ечим билан келдингиз? — деб сўради у. — Агар ўйлаган ўйингиз бўлмагур эса, қўшқдан ҳайдаласиз, чангалзорга сургун қилинасиз. Сўзланг! — Эй доврүкли Кўк ўғли хоқон, — деди билгичларнинг оқсоқоли етти буқилиб. — Бизлар қўшинимизни туркийлардай урушишга ўргата олмаймиз, чунки ундай моҳир отликларимиз йўқ. Сизнинг ботирларингиз орасидан отни яхши мина оладиганларини танлаб, ўк отиш, қилич уриш хунарини ўргатадиган бўлсақ, бунга бир қанча йил кетади. Ўргата олсак ҳам, чопқинда анчаси ўлиб, саногни яна озайиб қолади. Бизнинг олиста отувчи қатта ёйларимиз бор, лекин ундай ёйлар "от минувчилар"нинг ёйлиб оқувчи қўшини қаршида иш бермайди, бунинг устига, бир ёйни тортиш учун уч-тўрт киши керак бўлади. Шунинг учун, агар жонимизни бағишласангиз, узокни кўзлаган бир хийла ўйладик. Уни адо этишга кўп йил кетади, аммо сўнггида сиз истаган иш содир бўлади. Рухсат беринг, ўйлаганларимизни баён қилайлик.

Кўк ўғли хоқон бош ирғади. Билгич давом этди: — Доврукли Кўк ўғли хоқоннинг бойликлари мўл, кишиси саноксиз. Шунинг учун, қучиқардаги туркийлар билан ёлғондакам иттифок тўзсак, уларга олтин-кумуш, миш хадялар юбориб, ўзимизни дўст қилиб кўрсатсак. Чегара ерларимиздан қатта бир қисмини ажратиб, йиғитларига қизларимизни хотин қилиб берсак, Шунда улардан туркийлардай шижоатли, бизлардай ақлли болалар туғилишади. Чин қизлари эса уларни Кўк ўғли хоқон учун ўтгаю сувга қирадиган қилиб ўстиришади... Орадан ўн беш-ийгирма йил ўтиб, сиз истаган қўшин улайганидан сўнг уларга давлат тузишда ёрдам берамиз, шу йўл билан туркийларга қарши қатта кучга эга бўламиз.

Кўк ўғли хоқон бош ирғади. Билгич давом этди: — Доврукли Кўк ўғли хоқоннинг бойликлари мўл, кишиси саноксиз. Шунинг учун, қучиқардаги туркийлар билан ёлғондакам иттифок тўзсак, уларга олтин-кумуш, миш хадялар юбориб, ўзимизни дўст қилиб кўрсатсак. Чегара ерларимиздан қатта бир қисмини ажратиб, йиғитларига қизларимизни хотин қилиб берсак, Шунда улардан туркийлардай шижоатли, бизлардай ақлли болалар туғилишади. Чин қизлари эса уларни Кўк ўғли хоқон учун ўтгаю сувга қирадиган қилиб ўстиришади... Орадан ўн беш-ийгирма йил ўтиб, сиз истаган қўшин улайганидан сўнг уларга давлат тузишда ёрдам берамиз, шу йўл билан туркийларга қарши қатта кучга эга бўламиз.

Кўк ўғли ўйлиниб қолди. Сўнг илжайиб, кўзлари йилтиллаб ўрнидан кўзгалди. Лапанглаб келиб, билгични қучоқлаб олди. — Энди турк улусининг тугаб битиши аниқ бўлди! — деди суюниб. Бу иш 240 йилда содир бўлди. Ўша йилиёқ Кўк ўғли хоқон турк улусларига сўзчи юбориб, ўртоқлик ва қариндошлик истагида эканини билдирди. Бўлик ер-сув, от, сугир, қўйлар берилишини айтди. Турк будуну бу ишнинг ортида хийла яширинганини пайқамасдан, Чин хоқони бизнинг қўнглимизни овламоқчи, деган ўйда рози бўлди. Шундай қилиб, жануби-шарқий худудларнинг даштли-ўрмонли ер-

лари уларга юрт қилиб берилди. Бир неча юз эр бетапшиш ҳаёт илинжида янги жойларга бориб ўрнашди. Ҳар кун йўлаб арава егулик-ичкулик, кийим-кечак, ашё, олтин-кумуш, сурув-сурув мол-қўй ўша ёққа йўл оларди. Чин амалдорлари туркий улус йиғитларининг айтганларини тўла адо этишарди. Турк эрлари эса уларни назар-писанд қилмас, хизматкорларимиз деб аташарди. Тез орада Иршон дарёси соҳилида шаҳарча барпо бўлди, теграсига айлана девор олинди.

Турк эрлари қайсар эдилар. Чин амалдорлари иш буюришар, ота юртидан темирчиларни чорлашган, темирчилар аллақачон уч қиррала ва япаски, узун ва қисқа ўқларни, тўғри ва эгри қилич-қалқонларни ясаб улгуришган эди. Улар атрофини кезиб, қуш-жонлик уриб келишни одат қилиб олишди. Бироқ жонликларнинг болаларига ёки қуш полапонларига сира тегишмасди. Жанговарлиги билан донг таратган турк эрларининг меҳрибонлиги чин қизларини хайратта соларди, чунки улар янги туғилган жонликни энг лаззатли емишлардан бири, деб ҳисоблашарди. Турк эрлари ўлжани келтириб хотинлар олдига ташлашар, чин қизлари эса уни нима қилишни билишмасди. Бироқ бу доврүкли улус ўз авлодларини еру қўққа ишонмай ардоқлашдан барча хабардор эди: эрлар

хотинларига ўлжани бўғизлашни, бўлаклашни, пишришни, ҳатто ов қилишни ҳам ўргатишди, шу билан бу ерда ҳаёт гуркиради. Орадан бир қанча йил ўтгач, чин қизлари икки-учтадан бола туғишди. Турк эрлари ўз ўғлонларини "отам" деб алқар, от миниш, ўк отиш, қилич уриш каби хунарларни бола ёшиданок ўргатар, овга ўзлари билан олиб кетишарди. Бу маҳалга келиб Кўк ўғли хоқон оламдан ўтди, тахтга унинг ўғли ўтирди. Отасининг режалари унга тўла маълум эди.

Чин хотинлари турк эрларини айтилганидек қилиб аврашди. Довюралқидга эрларидан қолдишмайдиган, қорувли, ёвга ботирлардай типпа-тип ташланадиган қайсар ота улус қизлари қаршида чучук тилли, бўйсунувчан чин қизлари кўзларига яхши қўринарди. Оталар бунча хашам, бойлик, ер-сув қаршида хотинларига бир сўз дея олишмасди. Уларнинг тўғрилиги ўзларига қарши келди: ахир, хотинлар рости сўзлашмоқда-ку! Бунча хашам, жонлик, бойлик ҳақиқатан ҳам Кўк ўғли хоқоннинг тухфаси-ку? Кўктурлар ўғлонларини ўзларидой доворак, ботир қилиб ўстиришди. Чин хотинлари эса эрта бир кун алп бўлиб улгайдиган ўғлонларга Чин хоқонини мақташини қанда қилишмасди. Ҳақиқатан ҳам, кўпол, қўрс, бир қумушга қўл урмайдиган оталар қайдага назокатли, ақлли, хар нарсани элайдиган чин ботирлари қайда? Ўз авлод-аждодаларининг алдоқчилигини ҳам ошириб-тошириб мақташарди. Ахир, ҳийлакорлик — ақллиқдан дарак, зўққо киши ҳеч қачон хийлага лаққа тушмайди!

Вақти келиб, содда оталар дунёдан ўтишди, кейинги олақурқ авлод улгайиб, бир-бирига қуда бўлди. Янги авлод ҳам чин хоқонидан муттасил келиб турадиган мўл-қўл емиш,

ичку, олтин-кумуш, мўйнаю барқутлар эвазига шоҳона яшашда давом этди. Улар чегараларни кезишар, гоҳо чегара орти турк аймоқларига босқинлар ҳам қилишарди. Ҳатто ота ўғитлари орасида элас-элас эсда қолган Кўк Тангрини унутиб, чинларнинг тош хайкалларига топинишни одат қилиб олишди. Буларнинг ўзгалардан ажралиб турадиган жиҳати — бошининг орқа тарафидан битта узун кокил қўйишлари эди. Шундай кишилар дуч келиб қолишса, бир-бирларини кокилидан таниб олишарди.

Табғачлар — отасининг қимлигини айтишмасди. Лекин томирларда оқайтган аралаш кон барибрам ўзини кўрсатди: булар озчилик бўлган пайтда кўрқокларга айланшар, қўнчилик эканида эса ғанимга шоқолдай ташланишарди. Шунингдек, хашам ва безакка ниҳоятда ўч эдилар. Бўлар-бўлмасга қимматбахо пўстинларга ўраниб, мўйна-бўрк кийиб, олтин-кумушларни тақиб юришни ёқтиришарди.

Орадан бир неча йил ўтиб, улар Чин хоқонининг кўмаги билан Табғач давлатини тузишди. Бу давлатда барча чин тилида сўзлашар, чин урфлари қилинарди. Кейинги даврда эса уларнинг саногни янада ортди. Ниҳоят, ота қавми устига юриш қилиб, бош кент Ўтукенни ёқиб юборишди. Ота авлодининг қаттиқ ўғилларини қўл, сулув қизларини чўри қилиб олиб кетишди. Турк будун уларга қарши аёвсиз урушди, бироқ енгилди. Будун эрларининг сўнгаги дала-даштда тоғдай уйилди ётди. Табғач шу тарихи ота қавмини қулликка солди...

Турк қавмлари қонни отага боғлашади, насабини отадан бобога ўта-ўта, Нуҳ пайғамбарнинг юксак ахлоқли ўғли Ёфсагача такаб боришади. Табғач эса ўз қонидан тонади. Қучлироқ, бойроқ қавмга таассуб қилиб, ўзини уларнинг номи билан номлайди, ўшалар орасига сингиб йўқ бўлиб кетгиси келари ва ота қавмини сира тилига олмайди. Ўз ота сулоласини таққирлаб, паст қўрган табғач қавми мана шундай пайдо бўлди.

— Сен кимсан? Кимнинг ўғлисан? Табғач яна икки қўли билан қулгоғини бекитади. — Айт, хуржунингдаги бош кимники? Хуржундаги бош — Кўкёл Ота бўрининг боши! Табғач урушда енгди, ота юртга ўт қўйиб қайтишадиганда, тутаб ётган харобалар орасида ёллари қўқимтир қатта бир бўрини кўриб қолишди. "Туркийларнинг Кўкёл Ота бўриси шу эканми?" — деб ҳайрон бўлишди. — Қаранглар, жони илвираб, ўладиган бўлиб қолди-ку?" Уни узун ўк билан уриб олишди, бошини кесиб, хуржунга солишди. Қайтишда қаттиқ шамол эсди, бултурги хас-чўплару хазонларни кўтариб тўпдагилар боши узра чунон сочди, ёмғир аямая савалади, момақалдирик отларни хурқитди. Шу тарз, асосий черикдан аини шу тўп ажралиб қолди.

"Шамол қучли бўлди, адашиб кетдик чоғи, — дейишди улар. — Лекин йўлни биламиз, кечикиб бўлса-да, ғалаба маросимига етиб борамиз. Хуржунимизда Кўкёл Ота бўрининг боши ётибди. Ундан май қосаси асаймиз, байрамда шароб сипқорамиз!" Кўгман сувидан ўтилганида оқшом қўнди.

ХИКОЯ

Ёмғиру шамол тина бошлади. Булутлар тарқаб, ой кўринди. Табғачлар пилч-пилч лой узра боришарди.

Шунда қутилмаган ҳодиса юз берди. Соқиллашадиган табиатнинг турфа саслари аро тўсатдан даҳшатли увиллаш янграб кетди! Бу шунчалик ҳазин, узун ва битмас-туганмас увиллаш эдики! Отлар кўзлари олайиб, хайкиб-сачқили, табғачларнинг рағиб-бўзариб, саррайиб қолишди. Ҳўл-буталар, тина бошлаган ёмғир, лой теварак аро рўпарада кенг тўшидаги ва бўйиндаги ёли қўм-қўк етакчи бўри, ортида яна бошқалари, бари бошини қўққа чўзиб, этни жунжиктириб увилларди.

Фақат бу — бўрилар зериккан маҳалида ойга қараб зорланиб, Кўк Тангридан афв сўрайдиган увиллаш эмас эди. Табғач қавми қаршида ўлим-қолим жангига кириш олдидаги жанговар увиллаш янграмоқда эди.

Балки тасодифдир, бироқ тўпдан айрилиб қолган табғачлар "Бу жонотлар Кўкёл Ота бўри учун ўч олишга келди" деган ўйда, кўрқувдан дағ-дағ қалтираб турарди. Шундан сўнг ой булутлар остига кириб кетди, нималар юз бергани билинмай қолди. Бўрилар табғачларга ташланди шекилли, кимдир кўрқув ичра бақирди, кимдир доллаб қочди... Ўз қароргоҳига етиб борган бошқа табғачлар бир тўп эрининг даштда йўқолиб қолганини билишса-да, излагани чиқишмади. Тўғри-да, нима зарил байрам шодибанасини бузиб? Тирик қолишган бўлса етиб келишади, мабодо ер тишлаган бўлса, у ҳолда, излашдан не наф?

Шу тарихи, турк будун табғачга қарам бўлди. Табғачлар уни қулликка солди.

...Энди орадан эллик йил ўтади. Эллик йил ўтгач, табғач элида униб-ўсган бир эрининг томирида ота қони уйғонади. Ота-онаси қимлигини билмайдиган бу йиғит теваганидаги кишиларнинг тутумларига, қилиқларига, мақтанишларига қараб, ўзига-ўзи "Мен кимман? Отам ким?" деган саволни беради. Суриштира-суриштира бир амаллаб отаси қимлигини билиб олгач, табғачлардан айрилиб, ер бағирлаб ётган тарқоқ улусини излаб боради. Ўлаётган улус унга донолиги учун Билга Тўноқуқ деб ном беради. Билга Тўноқуқ дostonи доврүкли, жасурлик ва элпарварликдан, эр киши учун энг яхши ўлим — эл учун ўлиш эканидан сўзлайди, аммо у — бутунлай бошқа бир дostonдир.

Қайдам... бу жуда олис тарих. Табғачлар ер-сувларидан айрилиб, оламга ёйилиб кетишди, уларни ҳеч ким йўқ қила олмади. Жуда жони қаттиқ, ўлмайдиган қавм экан, дейишади билгичлар. Шамол эса ер юзи бўйлаб елади. Тоғ этакларида қаққаха уради, табғачлар ерининг тўзонларини кўтарди, туркий эллар тупроқларини майин-майин силайди, денгиз соҳилларида сокин елларга айланади ва худди қиёмат олдида тупроқ остидан чиқиб келадиган ер махлуқи каби, кишилардан сўрайди: — Сен кимсан? Отанг ким? Ҳорғин кун қуларининг бирида, мабодо сизнинг ҳам юзингизни силлаган чоғи қулгоғингизга шундай савол урилса, ҳеч ажабланманг. Чунки сизу бизнинг доврүкли, жасуримиз аниқ, имонимиз бут: — Ўзбекларимиз. Туркининг бош бўғинимиз!

УМР ИБРАТИ

ТЎКИСЛИК САОДАТИ

Замонавий ўзбек адабий танқидчилиги мактабининг шаклланишида Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Наим Каримов каби салоҳиятли устоз адабиётшунослар қаторида Бахтиёр Назаровнинг ҳам муносиб ўрни бор.

машинади. Гоҳо ҳеч қутилмаган фикрларга ҳам дуч келасиз:

Минг шукр қариган, қаритганга ҳам, Кўздаги ёшга ҳам, аритганга ҳам, Шаққоқликка йўманг, чоғи, йилдан-йил Осон бўлмаётир Яратганга ҳам.

Бадий матнда киноя учқунлари кўринадики, бу Қодирга эмас, бандасига йўналтирилган. Зотан, бандаларнинг ўзи ҳаётни мураккаб алфозга солмоқдалар, умуминсоний тараққиёт йўлида ўзаро кўмаклашиб, қўллаб-қувватлаш, бирлашиб ўрнига бир-бирларига ҳалал бермоқдалар.

Бахтиёр Назаровнинг шеърятга меҳру муҳаббати, иштиёқи унинг лирик асарлар тахлилига оид тадқиқотлари ўзгача услубда намоён бўлади. Домла шоир сўзларидаги ўзгача илғамаган, илғай ололмаган сирлиликни, ижодкор ҳолатидаги гўзал манзараларни, калбида, фикрида тебраниб турган муҳим, мураккаб ва зиддиятли сезиларни асл ҳолича кўра олади.

Мен асло шён эмас, ўзимни ёздим, Юрак қатига юзимни ёздим. Дунёда ўздан ўзган йўқ, мен ҳам Атоий насиба, тузимни ёздим.

Атокли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фан арбоби, эл ардоғидаги инсон Бахтиёр Назаров адабиётшунослик, адабий танқидчилик, илмий педагогик йўналишларда, миллий бадий эстетик тафаккурда юз берган ва юз бераётган инновациялар бунёдкорлари қаторида. Зотан, устозга мана шундай Яратган инъоми ила зухрланган Бахт ва Назар, тўқислик саодати тақдир қилинган, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган саодатдир.

Зулхумор МИРЗАЕВА, филология фанлари доктори

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Таниқли шоир Турсун Алининг шеърлар, баллада ва достони жамланган мазкур китоби одам ва олам муносабатлари ҳақидаги теран ўй-мушоҳадалардан иборат.

Соғинч сатрлари



Турсун Али «Лохзалар суврати»

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Турсун Али «Қиш. Болалик ва мен» балладаси учун тарихий маиший мавзунга таянган. Тинимсиз ёғадган шўх ва ўйноқ қор шоир хаёлларини тўзғитиб юборди. Изғирин шамоллар уни олис хотиралар — болалик дамлари кечган манзил сари етаклайди.

Беғубор болалик йилларида қутилмаган тасодиф туфайли содир бўлиб, мурғак қалбада ўчмас из қолдириган бир воқеа унга тинчлик бермайди. Қахратон қиш. Ховли этагидаги кўл ойнадек музлаган. Муз устида сирпанаётган болалар учун йўлдаги ўнқир-чўнқир, қамишзорлар тўқис бўлолмайди.

Бир қуни, ёдимдан чиқмайди сира, Энг кичик Иброҳим — муз ёрилиб тарс, Сув остига чўқди тополмай, нора, Биз болалар четда йиғлашдик гурас.

Тарс-тарс ёриётган муз. Майдон четидики қаровсиз қолдирилган митти Иброҳим. Нажотта чўзилган қўлчалар. Офат қошида шобиш қолган бетабдир болалар. Оний лахзада сув қаърига чўқиб кетган болақай. Атрофга зир-зир югуриб, из-из йиғлаётган бир гурас бола. Тезда унутилган ўйин.

Шоир китобхонни ўша йилларнинг совуқ қишлари сарҳадига олиб ўтиш баробарида, унда зоҳиран ойнадек кўринган муз бу қадар хунук ва хира экани, кўлинг суви ҳамма тиник эмас, баъзан ўта шафқатсиз экани билан боғлиқ туйғуларни уйлотади.

О, ўзимдан топиб нажот, йўқотмай ўзимни сира, Йўл юраман, Озолик сари, Эрк сари... Йўлларимни ютган йўлларга қарайман.

Туркияда ўзбек тили ва адабиётига кизиқиш ортимоқда

ИСТАНБУЛ, 17 сентябрь. («Дунё» АА). Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Наргиза Асадованинг «Müjde» («Хушхабар») номидаги шеър йўлларига асос қўйилган деб хабар қилмоқда «Дунё» АА муҳбири.

Ёш шоира каламга мансуб ушбу китобнинг турк тилига таржима қилиниши хорижда, жумладан, Туркияда ўзбек тили ва адабиётига кизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Китоб-

Йўлсизликда гоҳ адашиб, гоҳ шошиб, атрофга болалардай жовдираб илгариларга бу одам қай манзил-макон сари шошадими? Суюкли маҳбуби ким? Бадий матндан бу сингари саволларга ҳам шахсий-интим, ҳам ижтимоий мазмундаги жавобларни топиш мумкин. Дуч келган йўлларда саргашта кезиниб, вақтни тизгинлаш илинжида чопадган йўлчи шамол измидаги булдурлар мисол гоҳ адашиб, гоҳ эгри-бугри сўқмоқлар бўйлаб шошиб илгариларга.

Уфқ лоларанг тусда доғланади. Бехос қалқан шамол телбавор ва мастона қутуриб дарахтлар шохини эгиб, букиб, синдириб кетади. Чақмоқ қақиб момақалди-рок гулдирарди, кўк юзида қора булдурлар изғийди. Итлар улиди. Шу манзара ичидики, анимор айтганда, очунда ёлғиз қолган йўловчининг хол-руҳияти хаёлимизни яқин ўтмишга етаклайди.

Бундай кезде юрак қаърида намоён бўлган соҳибжамол ёр кифасидики эрк ва озолик ҳақидаги орзу-хаёл ва армонлардан таскин топиш мумкин. Эпик байъичи шу гўзал қошида энтиқади. Кўзларга тортилган парда — узун-узун қиприқлар орасидан сирғалиб, кўзлар дарёсига шўнғийди.

Йўл энди болалик хотиралари сари югуриб елади. Ойдин ва чарогон йўл. Бу нафис манзаралар Турсун Алининг ўз тугилган қишлоғи, болалиги ўтган қадрон ерлар ва азиз одамларга адоқсиз соғинч туйғуларидан силқиб чиқади.

Чиндан ҳам, кўкка бўй чўзган дарахтларни гўё шоирнинг орзулари осмон беғубор болалигига, йўл ёқалаб оқаётган ариқчани шоқини умрига қиёс қилгулик. Китобхон қишлоқнинг тупроқ йўлларида оёқланг югурётган, ариқда қийқириб чўмиллаётган болаликка эргашиб, қалқиган ҳавода илқис ойнадор товушини эшитида. Беихтиёр унинг қаршида қорни оч жужуқлаган бир бурда нон келтириш ниятида тегирмонда қаҳри қаттиқ тегирмончи билан сўкишни талашган ноҳор ота қиёфаси ҳам қад ростлайди.

Уша лохзалари эсласам туйқус, Ҳозир ҳам Буғдойдек янчилар синиккан қўнғилим Хотирот тегирмонида — деб ёзади шоир.

Денгиздай чайқалган пахтазор аро кун тигида чопик қилаётган қиз-жувонлар сукутида бардош жанранглайди. Чопикчилар ичида пақир кўтариб, уларга зилот сув улашайтган болақай кезинади. Шубҳасиз, ўзбек дехқонига меҳр ва олқиш улашайтган бу болақайни яқин таниймиз. Бу ойназорига бўлган бир олам соғинчнинг бир пақир сувга алмаштирган ўзимизнинг сағир йўловчи. Шоир ёзади:

Болалигим кўзларидики инграйдик соғинч, Болалигим кўзларидики гуллар айрилиқ.

Бинобарин, ушбу достон муайян маънода, ўша ингроқлардан тугилиб, армонлардан куртак очган, орзулардан барг чиқарган ва айрилиқ бўлиб гуллаган гўзал гунчадир. Турсун Али ушбу достонига йўқотилган вақт, ўтган умр — азиз инсонлар хасрати, синик фарёди, ҳузун ва узун дарду соғинчлари, тақдирлар фожиаси, миллат дардларидан қўнғил уммонига ўқинч ва армон бўлиб чўққан нолаларини муҳрлаган.

Достон ниҳояси китобхон руҳига ажиб тароват, қўнғилига ўтли бир шукух олиб қиради. Рухимизни эркинликнинг саррин ва ҳузурбахш еллари силлаб эганида, димоғимизга унинг муаттар бўйлари урилади.

Исломжон ЁҚУБОВ, филология фанлари доктори



Б. Назаровнинг мустақилликкача бўлган даврда яратилган «Ўзбек танқидчилиги», «Ўзбек адабий танқидчилиги: гоёвийлик, метод, қаҳрамон», «Бу сеҳрли дунё», «Ҳаётлик — безавол мезон» номли китоблари, «Адабий жараённинг долзарб муаммолари», «Ойбек бадий маҳорати», «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи», «Ҳамза Ҳакимзода ижоди муаммолари» каби тадқиқотлари гоёвийлик, партиявийлик каби сунъий тарзда катъийлаштирилган мафқуравий тамойиллар авж олушларида кўтарилган шароитда вужудга келган бўлса-да, илмий мушоҳада, мантқан асосланган янгича қарашлари билан замонавий ўзбек адабий танқидчилиги тадриждан ўзига хос ўрин тутди. Иброҳим Гафуров Бахтиёр Назаровнинг адабиёт ва танқид ҳақидаги қарашлари «Ҳаётлик — безавол мезон» деган таърифида тўла мужассамлашганини, бунини устознинг кашфиети сифатида баҳолаб, ижодининг мезонига айланганини таъкидлаб ўтган эди.

Унинг адабиётшунос, танқидчи сифатида, муайян тадқиқот объектларини ёндашишида ўзига хос услуби бор: мундққид, бир димий мақола мавзуси доирасида адабиётнинг катта муаммоларини таҳлил қилишга интилади. Бадий асар тахлилда мажбур тамойиллар изидан эргашмайди, балки ўз тафаккур олами, дунёқараш, қутилмаган, нозик кузатишлар ҳосиласи ўларок, янги тамойилларни кашф этади. Асардаги рамзий образлар,

рамзий ифодаларга таяниб, қутилмаган фикрларини мантқиқий асослар воситасида тақдим этади.

Одатда, сўз дунёсида шоирнинг олимликни кўп учраган, олимнинг шоирлиги эса камёб ҳодисадир. Мақон ёки вақт танламаган, гоҳ транспортда, гоҳ қайсидир бекатда, устознинг ўз таъбири билан айтганда, «йўл-йўлақай тугилган», хали нашр этилмаган тўртликлариди, эрмак учун ёзилганга ўхшайди, балки устознинг калбидаги муҳрлаган меҳри, муҳаббати, ўзлигининг акс садолари, ҳаёт тақдими этган ҳисобот — кечинмалари ўларок ақланган. Қолаверса, бу тўртликларда ҳазил-мutoйиба, некбин руҳ яширинган, Аслияти, Ўзлиги, ҳаётнинг кескин қурашларида чарчаган руҳий изтироблари акс этган.

Яширин кўп йиғладим енг ичига, Юраккимам бодқингим сен ичига? Айни ишлай, тер тўқай деганимда, Чўтир дунё кўймади тенг ичига.

Ҳаёт мураккаб, чинал, инсон ҳар доим ҳам бу қийинчиликлар, муаммолар устидан ғолиб чиқавермайди. Олим адолатсизлик, субутсизлик, зиддиятчилик гирдобларидан имконсиз, иложсиз қолган онларидан айнан шён ёзиб таскин топади. Зеро, айни лахзада устознинг ўзлиги, ўзи, аслияти, «юрак қатига юзи», «мен»и фаол объектга айланади.

Бир шоир бор эди, сенсирамасди, Жиддий, ҳеч бир замон алжирамасди. Тугилгандан буён калтироқ қўли Факат шён ёганда калтирамасди.

Тўйинган фикрнинг сўзларда ақланиш онлари моддий оламдан иҳоталанган, на вужудга ва на руҳга сиғдириш мумкин бўлмаган, факат самовий хотиржамлик ҳиссини топишга интилади онларидир. Ана шу самовий хотиржамлик, не, ажабки, «туғилгандан буён калтирайдиган шоир кўллари»ни ҳам ўз ичига солади. Ана шу лохзалар «калтироқ қўли шоир» — лирик қаҳрамон учун ўзини, ўзлигини топиш имконини беради ва натижада шён Эътиқод шакли макомига кўтарилари.

Бахтиёр Назаровнинг тўртликларида жиддий қараш, мutoйиба, киноя-истехзо ўрин ал-

«СЎЗИНГ ҚАЛБЛАР ТУБИГА БОРСИН»



Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Э.Воҳидов ижодини кузатар эканмиш, «яхши», «яхшилик» сўзлари шоирнинг энг ёқтирган сўзлари эканига амин бўламиз. Зеро, китобларидан бирига «Яхшидир аччиқ хақиқат...» деб ном қўйилишининг ўзбек фикримизнинг бир исботидир. Умуман, ўзига хос ритм ва маънога эга муайян сўзлар воситасида ўқувчининг диққатини жалб қилиш ва фикрни унинг шуурига сингдириш Э.Воҳидов ижодий услубининг муҳим жиҳатидир. Масалан,

Енгил иш қидирма, енгил иш йўқдир. Жон чексанг енгил бор, енгилдир йўқдир...

Дарҳақиқат, Э.Воҳидов шеърятда ёритилган комиллик босқичлари етиб бўлмайдиган чўқки эмас, комил инсон ҳам ҳаёлий ёки тўқима қаҳрамон сифатида тасвирланмаган. Шоир ҳаёт билан ҳамнафас, замон билан ҳамқадам, давр билан ҳамфикр, яъни камолот шукухини атрофидоғлардан, замондошларидан излайди, хақиқий комиллик саодатини уларда қўришни хоҳлайди.

Маълумки, шоирнинг дунёқараш, борлиқка муносабати, руҳий-маънавий оламнинг қамрови, қолаверса, икtidори ва фикр-саъияси у муружаат этган

мавуларнинг кўламдорлиги ва мазкур мавзулар орқали илгари суртилган гоё ва қарашларнинг табиати билан ҳам белгиланади. Сўз саъиякорининг бетакрор поэтик маҳоратини белгилловчи омиллар сирасига образ яратиш санъати ҳам қиради. Шоир яратган шеърини образлар орасида юрак тимсоли алоҳида ўрин тутди. Шеърятда юрак кўпинча япроққа, ўтга, чакмоққа, шишага ўхшатилади:

Дардлар тоши ёғди, юрак — Шишанинг дарзи кўп. Синмай турсин, хали керак, Элдан унинг қарзи кўп. Шён ирфон ва маърифат соҳиб бўлган, халқ дарди, эл бахти учун курашга шайланган донишманд ва жўмард инсон тилидан баён этилган. Шоир бунда кимга муружаат этаётир? Албатта, юракка. Чунки юрак лирик қаҳрамоннинг суянган тоғи, мустаҳкам таянч кўрғони. Ягона илинж, собит ишонч унинг дарз кетмаслигидир. Чунки элдан қарзини узмоққа биргина юрак қодир. Шоир лирик қаҳрамоннинг ички дунёси кўпинча конкрет руҳий ҳолат, кечинма воситасида бирор ҳаётини вазиятда очилади. Куйидаги шеърда ҳам ҳаётлик, аниқлик мазмунларини янада чуқурлаштириш учун юрак ва вақт образларига муружаат қилинган:

Вакт ўз ишин қилар. Вакт ғолиб. Бунга кўнар инсоннинг марди. Кексалики бўйинимга олиб Уйимда тинч ётсам бўларди.

Қариганда халоват керак, Арзир мен ҳам тин олсам енгил. Лексин бунга юрмайди юрак, Кўнгил, десам кўнмайди кўнгил. Эркин Воҳидов чин маънода сўзга жон киритган, хақиқатини сўз ойнасида акс эттира олган шоир. Унинг лирик қаҳрамони халоватга кўниқиб, узлат ихтиёр этакдан киши эмас, аксинча, курашлар, за-

Рост, қалам тимсоли шён, тимсоли тиг, тимсоли Ҳақ, Бошини минг кесдилар, бош эгмади асло қалам...

Ишқ ва ошиқлик тарихи жуда қадимийдир. Ишқ дастлаб, яъни қинокот яратилган пайтдаёқ ўзини намоён этган. Борлиқни бор айлаган ҳам шу ишқ эди. Унга илк қувват дейилган. Бу қувват жонли ва жонсиз мажбурот халқаларидан ўтиб, инсонга етган айнан унда ўзини таниб, оламшумул шуур қасб этган, баркамол бўлган. Э.Воҳидовнинг қўллаб шеърларида ошиқ дарди, маънавий-руҳий холи, орзу ва армонлари тасвири кенг ўрин эгаллайди. Ошиқлик фавқулодда самимият, тўғрилик, сидқ ва очиклик талаб қилади. Булар комилликнинг муҳим шартларидир. Демак, шоир шеърларида тасвирланган хақиқий камолот чўққисидики инсон бу чин ошиқдир. Чунки ошиқлик инсон

руҳи ва кўнғилида кучли ўзгариш ва янгиланиш пайдо қилади. Ишқ завқ-шавқи юракка қанчалар-қанча безавол туйғулар, ҳаётбахш хисларни жонлангитиб юборди. Ошиқ қалби ҳамма гўзалликка, ёруғликка, некбинликка интилади:

Мен ҳаётда бор эканман, Ўйласам, сен бор учун. Кўксим ичра қалб урар Туи-қуи ўзингга зор учун. Жонга чун сенсан тириклик, Жон фидо бўлсин сенга, То жаҳонда бор эканман, Борлигим сен ёр учун.

Э.Воҳидов шеърларида сўз образ даражасига юксалади ва барча эзуликлар, хайру саховат, меҳр-оқибат каби юксак инсоний фазилатларни ифода этади. Ижодкорнинг кучи, қудрати, меҳнати сўз орқали юзага чиққан маънони ўқувчи қалбига, онгу шуурига еткази олишида, дейди шоир:

Шундоқ сўз айт, шоир укажон, Сўзинг қалблар тубига борсин. Бахтини ёсанг яйрасин жаҳон Ғамни ёсанг доғлаб юборсин.

Кўринадики, Э.Воҳидов шеърятини — илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеърятини. Шоирнинг лирик қаҳрамони эса самимият киши. Мардлик, танглик, олижаноблик, ҳаксеварлик унинг ҳаётини таллабдири. Шу сабабли, бошқалардан ҳам чин инсонийликни, руҳан ва жисмонан етуқлик — баркамолликни талаб қилади, шу мақсад йўлида астойдил курашади. Шоир ижоди ахлоқ покчилигини, тийнату фитрат соғлиги, қалб хидоят, иймон ва эътиқод бутунлигини инсонни камолот чўққисига юксалтириб, хақиқий саодатга юзлаштира олишига ўқувчини тўла ишонтиради.

Аважон МАРАҲИМОВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, техника фанлари доктори, профессор

# БАДИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Шунингдек, 2020 — 2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган талабалар учун Камолитдин Бехзод номидаги давлат стипендияси таъсис этилмоқда. Энг қувонарлиси, эндиликда мамлакатимизда расом, хайкалтарош, амалий санъат усталари, санъатшунос, музейшунос ва дизайнер кадрлар тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасаси ҳисобланмиш институтимизнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, замонавий киффа касб этадиган бўлди. Институтнинг асосий биноси худудидида қўшимча ўқув биноси ва замонавий ахборот-кутубхона маркази, кўргазмалар галереясини ўз ичига камраб оладиган бино қуриш назарда тутилган. Бу ҳам ижодкор-талабаларнинг таълим-тарбия олишлари, етук кадр бўлиб етишишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Яратилган кўпша имкониятлар зимманинг улкан масъулият ҳам юклайди. Негаки, юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб кайтармоғимиз, унинг амалий ижроси тўла-тўқис таъминлангани учун бор имкониятимизни ишга солмоғимиз лозим.

Институтимизнинг профессор-ўқитувчилари педагогик фаолият билан бир қаторда, ижодий фаолиятини ҳам самарали олиб борадилар. Улар яратган нодир асарлар нафақат юртимизда, балки хориждаги нуфузли кўргазма залларида намойиш этилиб, шахсий коллекциялар билан галереяларда сақланмоқда. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида бунёд этилган "Галаба боғи"да ҳам институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари томонидан яратилган кўпша асарларни кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти ёш авлод вакили эканини институтда устоз-шогирд анъаналарининг самарали давом эттирилганлигини далиллади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг амалий ижросини таъминлаш учун ёш авлод қабдида тасвирий ва амалий санъатга меҳр уйғотиш ҳамда уларга соҳа сир-асрорларини чуқурроқ тушунириш мақсадида институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари томонидан маҳорат дарслари, кўргазмалар мунтазам ташкил этилмоқда. Карантин даврида бу борадаги ишлар онлайн шаклда давом эттирилди ҳамда Интернет тармоқлари ва телевидение орқали намойиш этиб борилди.

Олий ўқув юртимиз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ёш иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг истеъдодини намоён қилиш, ёшларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотишга йўналтирилган "Беш ташаббус — беш имконият", "Мустаҳкам оила — юрт таянчи" ҳамда "Энг фалол санъатшунос" каби танловлар ташкил этилди.

Талаба-ёшларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Ҳаётда қол, ижод қил" онлайн кўрик-танлови ташкил этилиб, танлов учун телеграм мессенжерда алоҳида канал очилди. 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан онлайн тарзда ўтказилган "Ёшлар та-

шаббуси" номи маданият-маърифий тадбирда танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳозир бизда бир қатор нуфузли чет эл олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, шу вақтгача қирққа яқин меморандум имзоланди. Халқаро ҳамкорликлар доирасида 70 нафар профессор-ўқитувчиларимиз ва 16 нафар талаба малака ошириш, стажировка, семинар-тренинглари, конференцияларда қатнашди. Алмашув дастурларида 22 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 2 нафар талаба иштирок этди. Эразмус+ дастури доирасида MUSAЕ лойиҳаси олинди. Шунингдек, Жанубий Корея Республикаси Кемён университети билан ҳамкорликда дизайн (либос ва газламалар) таълим йўналиши, Таиланддаги Чаннапатана дизайн институтини билан ҳамкорликда дизайн (интерьернинг лойиҳалаш) ҳамда дизайн (либос ва газламалар) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Юртимизда карантин чоралари давом этаётган бир пайтда "Санъатдаги умуминсоний кадрлар ва анъаналар" ҳамда "Глобаллашув шароитида санъатда умуминсоний ўзига хослик муаммолари" мавзусида халқаро илмий онлайн конференциялари бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой Халқ Республикаси, Малайзия, Болгария, Литва, Беларус Республикаси, Арманистон, Молдова Республикаси, Қозғоғистон, Таиланд каби давлатлардан соҳа мутахассислари маърузалар билан иштирок этиб, санъат тарихи, бугуни ва эртасига доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

2019 — 2020 ўқув йилида институтда илк бор "Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти Ахборотмаси" илмий-амалий журнали ва "Мусаавир" газетаси нашр этила бошланди.

Олий аттестация комиссияси раисининг тегинли қарорига асосан, жорий йилнинг июль ойида институт ҳузурида илмий даражалар берувчи Илмий кенгаши ташкил этилди. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи ушбу илмий Кенгашнинг очилишини нафақат институт, балки санъат ва маданият ҳамда бадий таълим соҳаси вакиллари учун улкан имконият сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўқув жараёнида бевосита амалиёт билан боғланмас экан, малакали кадрлар тайёрлашда муаммолар юзага келаверилади. Шуни инобатга олган ҳолда, йил бошида Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихий давлат музейида музейшунослик кафедрасининг филиаллари фаолияти, ҳамкорлик доирасида қатор лойиҳалар йўлга қўйилди. Ҳозир бу йўналишда яна бир неча лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Маълумки, ўтган ўқув йилида (апрель ойдан бошлаб) республикадаги барча таълим муассасаларида онлайн таълим жорий этилди. Таълим платформалари яратилди. Институтнинг 15 та кафедрасида профессор-ўқитувчилар томонидан 27 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 15 та магистратура мутахассисликла-



ри учун 284 та фан бўйича электрон ўқув ресурслари ишлаб чиқилди, институтнинг масофавий таълим платформаси, расмий веб сайти, телеграм канали, Интернет сайтларидаги расмий саҳифаларига жойлаштирилди.

Масофавий таълимда талабалар назарий жиҳатдан катта муаммоларга учрапти, деб бўлмайди. Бироқ мустақил таълимнинг аҳамиятини юқори баҳолаган ҳолда, айтиш мумкинки, онлайн таълим шакли, айниқса, ижодкор кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасаларида баъзи бир қийинчиликларни юзага келтиргани ҳам бор гап. Негаки, бу турдаги муассасаларда жонли мулоқот катта аҳамиятга эга. Устоз шогирдининг нафақат бажарган ишини баҳолаши, балки ишлаш жараёнида уни бевосита йўналтириб туриши ҳам талаб этилади. Чунки санъат асари бир кунда яратилмайди. Айниқса, институтимиз талабалари мутахассис кадр бўлиб етишиш баробарида, кайсидир устоз раҳомининг шогирди сифатида ҳам эътироф этилади.

2020 — 2021 ўқув йили учун қабул бўлган 3 сентябрдан 15 сентябргача — 13 кун давомида 7 та ихтисослик, 21 та йўналишда касбий (ижодий) имтиҳонлар бўлиб ўтди. Бу йил 3013 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 50,4 фоизга кўп демакдир. Улардан 2489 нафари касбий (ижодий) имтиҳонларда иштирок этди. Имтиҳон жараёнида тўлиқ видеокузатув остида ўтказилиб, институт сайтида онлайн намойиш этиб борилди. Шу билан бирга, абитуриентларнинг баллари имтиҳон ўтказилган куннинг ўзидеяк институт сайтида эълон қилинди. Аудитория назоратчиси ва кузатувчиси сифатида халқ таълими соҳаси мутахассислари жалб этилди. Ижодий ишлар нуфузли ижодкорлар раислигидаги ҳайъат томонидан баҳолаб борилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда бадий таълимга ихтисослашган ягона олий таълим муассасаси сифатида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти юртимиз санъати ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшади, Камолитдин Бехзод ва бошқа буюк мусаавирларга муносиб издош бўла оладиган истеъдод эгаларини тарбиялашни мақсад қилган.


**Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,**  
**Камолитдин Бехзод номидаги**  
**Миллий расомлик ва дизайн**  
**институти ректори,**  
**тарих фанлари номзоди**

## УМР ИБРАТИ

Дастлаб ташвиқот ва тарғибот воситаси сифатида майдонга чиққан телевидение аста-секин маданият, маърифат, таълим-тарбия воситасига ҳам айланди. 1956 — 1957 йилларда Ўзбекистон телевидениесига ишга тақлиф қилинганлар, асосан, Театр ва расомлик санъати институтининг битирувчилари бўлиб, улар орасида Маҳкам Муҳамедов ҳам бор эди.

Ҳали талаба бўлишига қарамай, М.Муҳамедов Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романи асосидаги видеофильм лойиҳасини раҳбариятга тақдим этди. У вақтларда кўрсатувлар тўғрисида тўғри намоиш этиларди. Битта катта студиянинг ўн бир жойига, воқеалар кетма-кетлигига қараб, декорациялар ўрнатиларди. Уч кун давомида оператор, овоз режиссёри, актёрлар билан репетиция ўтказилиб, кеч соат тўққизда фильм намоиши бошланади. Студияда йигирмадан зиёд мутахассис, бошқарув пултида ўнга яқин мутахассис режиссёр — М.Муҳамедов кўрсатмаси билан ишга киришиб кетди...

Орадан хийла вақт ўтиб, адиб хар бир серияси қирқ беш дақиқали, ўн беш сериядан иборат сценарий ёзиб берди. Шундан сўнг "Меҳробдан чаён" видеофильми тасвирига қўрилди, томошабинлар эътиборини қозонди. Устоз ҳаётидаги унутилмас воқеалардан яна бири 1982 йили содир бўлди. М.Муҳамедов Ёш томошабинлар театрига бош режиссёр этиб тайинланди. У 1962 йили Чингиз Айтматовнинг "Биринчи ўқитувчи" асарини телевизион спектакль шаклида сахналаштирган эди. Орадан қарий йигирма йил ўтиб, яна қирғиз адаби асарига мурожаат қилди. Ёзувчининг "Оқ кема" кинесаси асосида



Маҳкам Муҳамедов 1985 йили телевидениега қайтди. Шундан сўнг Хайридин Султоновнинг "Мозийдан бир саҳифа", Машраб Бобоевнинг "Ирода", Насрулло Қобилнинг "Амир

# САНЪАТКОР ОШГАН ДОВОНЛАР

Ўзбекистон телевидениеси студия шароитида "Ўқитувчи" видеофильминини шу тарзда томошабинлар эътиборига ҳавола қилган эди.

1958 йили Маҳкам Муҳамедов диплом спектакли — Виктор Розовнинг "Шодлик излаб" асарини сахналаштириб, телевидение режиссёри сифатида ишга қабул қилинди. Ўша йиллари Лев Толстойнинг "Кавказ асири", М.Салтиков-Шедриннинг "Икки бойга бир малай" асарлари билан Ўзбек томошабинларини таништириб, Ҳамза Ҳакимзодиннинг "Майсараннинг иши" комедиясини рус тилида сахналаштиришга киришди. Марям Ёқубова, Хайрулла Саъдиев, Диас Раҳматов, Ортик Юсуфов каби актёрлар тақлиф этилди. Рус тилида ижро этилган мазкур спектакль туйғайли Тошкентдан Москвага ва бошқа шаҳарларга кўрсатувларни узатиш масаласи ҳал бўлди.

Режиссёрдан Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асари асосида бадий фильм яратилиб, уни томошабинлар кизгин кутиб олганига қарамай, бу асарни телевидениеда кўп серияли фильм шаклида қиришни ҳаққиди сурагани мавзуда, устоз шундай жавоб берди: "Йўлдош Аъзамов томонидан суратга олинган "Меҳробдан чаён" фильмининг кўрганамдан кейин романини қайта ўқиб чиқдим. Тушундимки, фильм шўролар мафқураси талаблари бўйича суратга олинган. Фикрларимни ёзувчи Хайридин Султонов билан ўртоқлашдим ва ундан сценарий ёзиб беришни илтимос

спектакль сахналаштирди. Премьерага Чингиз Айтматов ҳам ташриф буюради. Бу воқеани устоз шундай эслайди:

— Машхур қирғиз ёзувчисининг бу асари Тошкент театрларида биринчи марта сахналаштирилган! Муаллифни премьерга тақлиф қилсам қандай бўларкин, деган ҳаёлга бордим. Чингиз ога кўнган меҳмонхонанинг телефонини топиб кўнгирок қилдим. Салом-алейҳу сўнг, "Чингиз Тўрақулович, кечира-сиз, биз Ёш томошабинлар театрида "Оқ кема" асарини сахналаштириш эдик. Шуни бир келиб кўрмайсизми", дедим. "Бугун Самарқандга кетишим керак эди. Майли, болалар театри бўлса, оилам билан бораман. Сафарни қолдира қоламиз", деган жавоб бўлди. Соат бешда театрнинг Эски Жўва майдонидаги совик биноси олдида оқ "Волга" келиб тўхтади. Ундан ошпоқ костюм-шим кийган Чингиз Айтматов ва рафикаси тушишди. "Оқ кема" кинесаси асосидаги спектакль биринчи марта муаллифнинг ўзи иштирокида Ўзбек сахнасида намойиш этилди. Спектакль якунида Чингиз ога сахнага чиқиб, бизни кутлади. "Оқ кема"ни томошабинлар орасида ҳаяжон билан кўрганнинг хатто уни ёшлар қандай қарши оларкин, деган хавотирда ўтирганини алоҳида таъкидлади ва мамнуванияни ихвор этди. Эртасига эса "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида унинг мақоласи эълон қилинди. Адиб бизнинг спектаклимиздан хурсанд эканини билдирганли. Бу камтарона меҳнатимиз учун юксак баҳо бўлган эди.

Музаффар", Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан Чаён", Машраб Бобоевнинг "Кўнгил қўчалари" каби ўнлаб видеофильмлар, ранг-баранг кўрсатувлар миллионлаб томошабинларнинг хонадонларига кириб борди.

1990 йилларга келиб Тошкент театри санъати институтида "Кино-теле-радио" факультети ташкил қилинди ва у факультетнинг кафедра муdiri этиб тайинланди. Янги мутахассислик бўйича ўқишни битирган ёшлар республика телевидениеси, радиосида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят телевидениеларида фаолиятини бошлади. Ҳозирги кунда томошабинлар эътирфини қозongan Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов ҳам шу факультетда Маҳкам Муҳамедовдан сабоқ олган режиссёрлардан.

Биз устознинг қарий 64 йиллик ижодий фаолияти давомида яратган етмишдан ортқ телеспектакль, видеофильм, туркум кўрсатувлар, театрларда сахналаштирилган ўттиздан зиёд спектакль ҳақида батафсил тўхталмадик. Бугун ташкил режиссёр Маҳкам Муҳамедов фаолиятини, ижод йўлига бир қур назар ташлаганда санъаткор ошган довлар кишида беихтиёр хайрат ва ҳавас уйғотади.

**Жўра МАХМУД,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган**  
**санъат арбоби,**  
**профессор**

## ТАДБИР

Пойтахтимиздаги Адиблар хиббонида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бюрут-масига кўра "Ҳужжатли ва хроникал фильмлар" ДУК ҳамда "Spectre" ижодий студияси ҳамкорлигида суратга олинган "Халқ юраги" номидаги ҳужжатли фильмнинг тақдими бўлиб ўтди. Адиблар хиббони ва бу ерда хайкаллари ўрнатилган халқимизнинг эъзозли ёзувчи ва шоирларига бағишланган мазкур фильм ёш

## ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

режиссёр Шохрух Расулов томонидан суратга олинган. Фильм сценарийси ёш ижодкор Фурқат Усмонов каламига мансуб. Адиблар хиббони Президентимиз ташаббуси билан шу йилнинг 20 май кунини очилган эди. Ушбу мухташам хиббонга бағишланган мазкур фильм тақдимотида расмий идоралар вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, маданиятимиз намоёндалари катнашди. Тақдимотнинг

Шуниси эътиборлики, янги лойиҳа доирасида хиббонда хайкаллари қад ростлаб турган йигирма тўрт нафар ижодкорнинг хар бири ҳақида алоҳида фильм суратга олинади. Тадбирда мазкур туркум фильмларнинг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимотдан сўнг тадбир катнашчилари лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз ахборотимиз

## АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

### "ТЕАТР"

журнали  
2020 йил, 3-сон

Журналнинг илк саҳифаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири О.Назарбековнинг "Маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни янада ошад" сарлавҳали мақоласи билан очилган. М.Тўлаҳўжаевнинг "В поисках сценической интерпретации шекспировской трагедии", Э.Ўрниновнинг "Дуэлик — тарғибот маскани", З.Муҳаммаджоновнинг "Қаҳрамонлик мадҳияси ёхуд Мангуберди муҳаббаты" мақолалари журналхонлар томонидан қизиқиб ўқилади. Театр ва кино санъати оламида ўзига хос мактаб яратган, дубляж санъати ривожига катта ҳисса қўшган соҳир овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаровнинг ҳаёти ва ижо-

ди Азамат Шариповнинг "Муסיқали театр дарғаси" мақоласида кенг ёритилган. В.Рустамовнинг мақоласида театрга томошабинларни жалб этиш ва томоша маданияти муаммолари батафсил таҳлил этилган. О.Рўзиевнинг "Усмон Азим драматургиясида халқ оғзаки ижодининг бадий талқинлари", К.Азимовнинг "Катта театр сахнасида "Қумуш" операси", Ш.Юсуповнинг "Ўзбекистон кўғирчоқ театрларида профессионал режиссура масаласи: муаммо ва ечимлар" сингари мақолалари соҳа мутахассислари эътиборини тортлади. "Театр ва расом", "Санъатга бахшида умр", "Тадқиқот", "Дурдонлар", "Рақс санъати", "Маданият аниқликлари" каби руқияларда ёритилган ранг-баранг мақолалар ошуфта қалбаларга мутула завқини бағишлаши тайин.



### "MOZIYDAN SADO"

журнали  
2020 йил, 3-сон

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги арафасида чоп этилган журналнинг учинчи сони журналхонларга ўзига хос совға бўлди. Журнал саҳифаларидан ўрин олган тарихий, маданият-маънавий мазмундаги мақолалар қизиқarli манбаларга бойлиги ва уларни мазмунан бойитган суратлар ўқувчиларда қизиқиб уйғотади. Акбар Ҳакимовнинг "Тарихий оғн: уйғунлик ёхуд парчаланиш" сарлавҳали мақоласида тарихий далиллар асосида келтирилган фактларнинг теран таҳлили завқ билан ўқилади. Ойдин Абдулаевнинг "Мақом ва Ўзбекистон композитор-

лик санъати", К.Мирзааҳмедовнинг "Имом Аъзам Абу Ҳанифа", Б.Раҳимовнинг "Хоразм мақомлари", З.Муродовнинг "Қоғирқалъа муסיқий ансамбли" сингари мақолалари соҳа мутахассисларини қизиқтириши тайин. М.Реутовнинг "Фаёзтепаннинг қайта тикланган нақшлари", Н.Каримовнинг "Буюк ипак йўлидаги хитойлик роҳиблар", Ҳ.Қазакбаевнинг "Жанубий Хитой денгизи: тарих ва замонавийлик", Х.Мама-ров ва Р.Қаюмовнинг "Регистон — Самарқанд рамзи" каби мақолалари манбаларнинг аниқ баён этилгани билан журналхонларда катта таассурот қолдиради. С.Очиловнинг "Амир Темур даври миниатюраси", Қ.Жумаев ва Г.Ҳакимовнинг "Бухоро қолинбоғлиги" сингари мақолалари, "Маданият алифбоси" ва бошқа материаллар ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.



## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА

"Ҳаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тиҷлик-осоийшталик, таракқиёт ва бунёдкорликка қажирувчи ғояларини халққа, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида буюк мутафаккир аждоғимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти давомчилари саналган олимлар ҳақида бадий асарлар яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан бир қаторда барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин. Асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ариза билан тақдим этилади. Тақдим этиладиган асарлар 2 нусхада (электрон варианты билан), компьютерда 1,5 интервал, 14 шрифлда кўчирилган бўлиши зарур. Белгиланган тартиб бўйича тақдим этилган асарлар кўриб чиқилмайди. Тақдим этилган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Таниқли ижодкорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати танловга тақдим этилган асарларни ўқиб, баҳолаб боради. Ғолиб деб топиладиган асарлар Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги адабий нашрларда ҳамда "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида китоб ҳолида чоп этилади. Муаллифларга эса имтиёзли калам ҳақи тўланади. Танловга ижодий ишлар 2021 йилнинг 15 сентябрга қалар қабул қилинади. **Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиббони. Телефон: 71. 231-83-67. **Электрон манзил:** [badiy\\_adabiyot@mail.ru](mailto:badiy_adabiyot@mail.ru)

Ўлмасой НИШОНОВА



Жилимдан сўнг

Биров билди, билмади биров,  
Мен бир лаҳза чекинганимни.  
Бугун ёниқ муҳаббат тилаб  
Яратганга юкинганимни.

Кимдир гамгин бокди ҳолимга,  
Кимдир мийиғида жилмайди,  
Лек биламан эртага дунё  
Мендан бошқасини билмайди.

Эрта олов бўлар сўзларим,  
Изларимдан унар чечаклар.  
Ёнингизга бормайман ҳечам  
Хаста юрагимни етаклаб.

Эртага сиз келасиз энди,  
Оёғини кучиб йиғлайсиз.  
Мени ёмон кўрган азизим,  
Мендан бошқасини билмайсиз.

Мендан бошқасини севмайсиз.

Лаҳзаларга жоним улашиб  
Кимларгадир юкингим келмас.  
Исминг айтиб урмас юрак,  
Бил, ўша дил меники эмас.

ЖАННАТГА АЙЛАНДИ  
БҲТҲН ОШЎНИМ

Ишқинг билан яшайман энди,  
Сени дейди ахир ер, осмон.  
Менга фақат ёлғиз ўзингни  
Севмоқликни ўргат, Художон.

\*\*\*

Озурда кўнглимга армонлар туташ,  
Орзумни энг баланд чинорга осдим.  
Тинмай ўсаверди хижрону гамим,  
Дарахт япроқ ёзди, мен шерьлар ёзим.

Бу кун ўкситмадим қайгуларни ҳам,  
Илкимга илондек ўрлади бари.  
Қани бир мард бўлса, мени тўхтатиб,  
Яшашни ўргатса одам сингари.

Қани бир мард бўлса, қўлимдан тутиб,  
Энг тоза хисларга айласа ошно.  
Шунда қолмасдим сенга боғланиб,  
Шунда юрмасдим бағрингда, дунё.

Бу кун аччиқланма қўлим силтасам,  
Кетсам, йўлларимни беҳуда тўсма.  
Ахир, нима қилай тўлмаса кўнглим,  
Ахир, нима қилай юрагим тўлса...

\*\*\*

Минг йил эрмақлади мени озорлар,  
Кўнглимдаги дардга ярашиб келдим.  
Чинқомай қушларнинг қарвонларидан,  
Шикаста юракка яшашиб келдим.

Қай замон кўзларим тўхтади сенда,  
Тилларимга инди бахтнинг тотлари.  
Юрагинга томон йўл олдим қачон,  
Йиртиб аламларнинг хотиротларини.

Ишқ дедим, хижронлар кетдилар тўзғиб,  
Ҳатто исмингни-да билмаган оним.

Ишқ дедим, оловлар тўлди кўксимга,  
Жаннатга айланди бутун ошёним.

Лаҳзалар бўйнига илиб умидни,  
Кулдим, кулавердим бахт билан бирга.  
Менга улкан юрак, улкан дард берган,  
Шукрона айладим бу кун тақдирга.

Шукрона айладим бу кун тақдирга...

\*\*\*

Секингина очилар эшик,  
Пардаларда туради титроқ.  
Сукунатга уриб тарсаки  
Умид кела бошлар яқинроқ.

Кенг хонага ёғила бошлар  
Чироклардан умидми, ҳайрат.  
Суратдаги қушларнинг хатто  
Юборгиси келади сайраб.

Бир... икки... уч... йўқ ҳамон дарак,  
Деворларнинг оқарар ранги.  
Ахир, эшик очган ким эди,  
Шамолмиди, изғиған дайдиб?

Йиғлагиси келар хонанинг,  
Хўрсиниклар учар ойнадан.  
Ахир, қандай кечали ундан,  
Ахир, қандай ундан тонад?

Секингина ёпилар эшик,  
Яшамокдан хорган сингари.  
Мийиғида жилмайган қўйи  
Ҳануз ҳаёл сурар ташқари.

\*\*\*

Шу кўчадан сен ўтдингми,  
Юрдингми шу йўлакда?

Жуда яшнаб кетгандирсан,  
Баҳор рангли кўйлакда?

Гуллар бунча қикирлайди,  
Гулларга сен боқдингми?  
Шу ҳаётда яшадингни,  
Шу ҳавода оқдингми?

Сен жудаям шошганмидинг,  
Йўллар бунча оғринган?  
Қадамнингиз узмасиндан,  
Қадамнингиз соғинган.

Шу хонага кирдингми сўнг,  
Чўқдингми шу курсига?  
Сўнг ўтирган мен эдимми  
Сенинг, сенинг қаршингда?

Ишқинг изҳор этдингми сўнг,  
Шодлик, дунё бунча тор?  
Кўрганларим туш бўлса гар,  
Мени уйғотиб юбор.

\*\*\*

Табассум ҳади эт...  
Табассум ҳади эт биргина,  
Жонимда титроқлар яралсин.  
Оловга менгзасин нигоҳинг,  
Дилимга муҳаббат кадалсин.

Табассум ҳади эт биргина,  
Шугина тўфанга гадоман,  
Ишқинга зор қалбим, майли, сўнг,  
Жилвангдан бўлсам адолар.

Табассум ҳади эт биргина,  
Қарагин, тўқилиб боряпман.  
Қовоғи солинган дунёдан  
Кулгунга юкиниб боряпман.

Табассум...



Бери музми ташаббус

Китоб – билимлар қони, ўқиймиз кеча-кундуз,  
Буюк мўъжизаларга биз бўламиз юзма-юз.  
Севганимиз театр, рассомчилик ва санъат,  
Музыка, адаб илми канотдир бизга, албат.

Жисмоний машқлардан ҳаммамиз  
тетик, соғлом,  
Спорт яқин дўстимиз, бошлар ютуқлар томон.  
Олга интил кучли бўл, бўларсан сен чемпион,  
Улкан ареналарда олқишлар сени жаҳон.

Президентим ёшларга ҳамиша таянч, далда,  
Ишончини оқламоқ ният биринчи галда.  
Бу бешта ташаббусга агарда “лаббай” десак,  
Она юртга суянчқ фарзанд бўлармиз бешак.

Қаерда яшамайлик, Тошкентдами, Сурхонда,  
Ватан бизни билимга чорламоқда ҳар онда,  
Ҳаёт қадрига етиб, бой берманг нақдингизни,  
Ўрганинг илму хунар, аямай вақтингизни.

Китоби...

Китобда кўп билим бор, уқсак тақдор ва тақдор,  
Қаңчалар кўп ўргансак, яна шунча сирли бор.  
“Ёш китобхон” билимдон танловига шайлик,  
Илму адаб бобда чўнг довонолар ошайлик.

Бежизга яталмас у билимлар хазинаси,  
Йўлимизда офтоб у, кўнгиллар ганжинаси.  
Унда жам этилгандир инсон ақлу зақоси,  
Иби Сино ҳикмати, ал-Беруний даҳоси.

Онажонимиз

Мехри дарё — пурвиқор,  
Ҳаммадан ҳам удғвор,  
Сиз мехрибон, беозор,  
Онажонимиз менинг.

Мехрингиз офтоб исли,  
Ҳар сўзингиз бол исли,  
Ҳамиша ёруғ юзли  
Онажонимиз менинг.

Манижа ҚУДРАТОВА,  
Сурхондарё вилояти  
Сариосё туманидаги 67-мактаб ўқувчиси

ЗИЁ МАСКАНЛАРИДА

Кутубхона жамиятининг маданий савиясини оширувчи, илм улашувчи зиё маскани ҳисобланади. Дийримизда қадим-қадимдан кутубхоналар мавжуд бўлган. Улар милоддан аввалги биринчи миң йилликдан кейин ибодатхоналар ва саройларда пайдо бўлган бўлса, ҳозирги даврда шаҳар марказларида, маҳалла ва мактабларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда китоблар ва маълумотларнинг катта захирасига эга бўлган Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, Республика болалар кутубхонаси, Ибн Сино номидаги тиббиёт кутубхонаси ва турли соҳаларга оид бошқа кутубхоналар китобхонларга хизмат кўрсатаётди. Шундай масканлардан бири катта тарихга эга бўлган “Турон” кутубхонаси ҳисобланади. Айни кунда ўз фаолиятини Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ёнида давом эттираётган марказ замон талабларига мос равишда жиҳозланган. Ушбу кутубхонага 1914 йилда ўз даврининг маърифатпарвар зиёлилари Мунавварқор Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Гулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Юсуф Алиевлар томонидан асос солинган. У 1918 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Себзор даҳасига қарашли Махсидўз маҳалласи 25-уйда расман иш бошлади. Бу масканга Абдулла Қодирий ҳам безътибор бўлмаган, балки у тўғрида мақола ҳам эълон қилган.

Хусусан, “Иштирокион” газетасининг 1920 йил 23 июнь соңида “Жулқубой” имзоси остида “Қироатхоналаримиз” мақола-сида шундай дейилган эди: “...Бизнинг Тошкандда биринчи мартаба очилган қироатхона учун 1918 йилнинг декабрида бир-икки йигитларимизнинг ғайрати ила “Турон” жамиятининг Ориф Клиблев номига очилган қироатхонаси бўлди. Лекин биринчи мартаба очилган бу қироатхона яхши йўлга кета олмади. Чунки, китоб келтурмакка атроф йўлларни ёпиқ ва бунинг устига қироатхона учун ҳукуматдан ёрдам ҳам йўқ эди. Бошида қироатхона маҳаллий кишиларнинг ҳаля эткан китоблари ила юриб турса ҳам, сўнгроқ миллий ишлар комиссарлигининг Ориф Комилбоев исмига ёлдор бўлсун деб берган


ўн миңг сўм оқчаси билан баъзи маданий ишлар ишлаб турди...

...Ушбу миллий ишлар комиссарлигининг берган тўқсон беш сўм оқчаси билан 1919 йилнинг ноябрига қадар давом этмақда эди. Декабрдан эътиборан Ўлка кутубхонасининг назоратига ўтиб, ўша йилнинг апрелига қадар онинг қарамоғида давом этди. Бу вақтларда қироатхоналарнинг моддий жиҳати

65 йил, яъни 1993 йилга қадар кутубхона шу номда юритилди. Истиклол шарофати билан ўша йилдан эътиборан “Турон” номи қайта тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидида “Турон” ахборот кутубхона маркази Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфига ўтказилди.

Ушбу бинода Абдулла Қодирий музейи ҳам мавжудлиги ўша даврни янада теран идрок этишимизга туртки бўлмоқда. Кутуб-



замон бадий ва илмий асарлари, ўн саккизинчи асрларга тегишли нодир асарлар жамланган. Хусусан, нодир китоблар фондида 400 дан ортиқ китоб, журнал ва газеталар сақланиб келинмоқда. Ушбу асарларнинг аксарияти эски ўзбек ёзуви, араб ва латин ёзувларидадир.

Ҳар бир ўзбек фарзанди тарихни билиши, англаши, ҳурмат назари билан қараши кераклигини тажрибали устозлардан кўп эшитганмиз. Ўтган йилнинг 26 декабрь куни Абдулла Қодирий мактаби ва ушбу мажмуа тарихида муҳим сана ҳисобланади. Сабаби, ушбу санада мухтарам юртбошимиз мактаб, кутубхона ва музей фаолияти билан танишиб, бу ишлар янада жадаллаштирилиши лозимлиги, маърифат йўлида ҳеч қачон маблағ аямаслигини таъкидлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда китобга эътибор туфайли кутубхона фаолияти янада кизгин тус олмоқда. Турли адабиётларни излаб келувчилар ва ўқув залидан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Айниқса, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари исталган вақтда шундайгина ёнларидидаги “Турон” кутубхонасида мутулаа билан машғул бўладилар.

Гулнора ШЕРМАТОВА,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети талабаси



яхшигина таъмин этилиб, анчагина китоблар олмоққа-да муваффақ бўлинди.

Таассуфки, Ўлка кутубхонасининг қарамоғида кўп давом этувига мумкин бўлмай, ушбу йилнинг 1 майиндан бошлаб Эски шаҳар маърифат шуъбаси ёнидаги “Мактабдан иш маориф таратув шуъбаси” идорасига ўтди.”

Биламизки, мустабид тузум даврида кўп-лаб кўчалар, ташкилот ва муассасалар номи мажбурий равишда ўзгарган эди. Маълумотларга кўра, захматқаш боболаримиз бунёд этган ушбу зиё маскани 1928 йилдан “Октябрь” номи билан атала бошлади. Қарийб

хонада 7 та бўлим, жумладан, илмий услубиёт, ахборот-библиография, китобларга қайта ишлов бериш, ахборот кутубхона хужжатларини сақлаш, ахборот технологиялари, ахборот кутубхона хужжатларини бутлаш бўлими ва ўқув зали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимларда жами 62 нафар ходим миқозларга хизмат кўрсатади. Айни кунда кутубхонада китоб захираси 400 миңдан, даврий матбуот нашрларининг умумий адади эса 50 миңдан зиёдини ташкил этади.

“Турон” кутубхонасида нафақат классик адабиётлар, мустақиллик даври ва ҳозирги



ЎЗБЕКISTON  
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:  
Juzgo  
akfa

Бош муҳаррир  
САЛИМ АШУРОВ

Тахриратга келган кўлхазмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.  
Масъул китоб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Набатчи муҳаррир: Хўмоюн АКБАРОВ  
Саҳифаловчи: Зафар РҲЗИЕВ  
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адаби - 5033, Буюртма Г - 955.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ  
Сотувда нархи эркин.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Боснига топириши вақти - 21.00.  
Боснига топирилди - 21.15.

